



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ШАНБА

СОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 109 (9355).

• 1988 йил 4 июнь •

Баҳоси 3 тийин.

М. С. ГОРБАЧЕВ ХАЛҚАРО ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

2 июнь кuni Кремлнинг Свердлов залида М. С. Горбачев халқаро жамоатчилик вакиллари билан учрашди. Улар олий даражадаги Совет-Америка музокаралари муносабати билан Москвага

келган эдилар.

Учрашувда жаҳондаги 40 мамлакатдан келган делегация қатнашди. Бу делегациялар 145 та миллий ва урушга қарши халқаро ташкилотларнинг, хотин-қиз-

лар, касаба союз, ёшлар ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилот ва ҳаракатларнинг вакиллари эди.

М. С. Горбачевнинг кириш нутқидан сўнг олий даражадаги Совет-Америка учрашу-

вининг якунлари тўғрисида, ядровий хавф-хатарини бартараф этиш, анча беҳатар, зўравонликсиз ва инсонпарвар дунёни барпо этиш ишида, ҳозирги замоннинг жаҳоншумул муаммоларини ҳал этишда жамоатчиликнинг роли ҳақида анча узоқ давом этган қизгин фикрлашувлар бўлди. 44 ташкилотнинг вакиллари жаҳонда содир бўлаётган жараёнлар тўғрисидаги, жамоатчилик кенг доиралари олдидан турган вазии-

фалар ҳақидаги мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Пировардида М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

М. С. Горбачевнинг нутқи матбуотда эълон қилинади. Учрашув тўғрисидаги тўла ҳисобот алоҳида китобча қилиб чиқарилади.

Учрашувда А. Н. Яковлев ва А. Ф. Добринин қатнашдилар.

(ТАСС).

ХІХ БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ. ОЛДИДАН



ДЕЛЕГАТ

■ МЕТАЛЛУРГ.... Бу машаққатли касб эгаларини оташ-қалблар деб бежиз айтишмайди. Улар доим олов билан ишлашди, унинг қудратини ўз измларига солишадди. Оғзидан туну кун олов пурқаб турган улкан печларда металл эритишадди. Ҳа, бу иш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди, мисли қўрилмаган куч-гайрат, машаққат-бардош талаб қилди. Шундай металлурглр эса

Бекободдаги В. И. Ленин номи металлургия комбинатида кўплаб топилди. Абдуқаҳҳор Мирзаматов шу касбни улуглабганларнинг бири. Печларда эритилган пўлатни катта ситимли чўмичларда турли қоп-липларга қўяди. Бу жуда мураккаб жараёндир. У кўп йиллик меҳнати давомида бирор марта ҳам технологиядан адашмаган. Шу ҳалол меҳнати билан ҳамкасблари ўртасида

катта обрў қозонди. Ҳа, бизда виждонан, сидқидилдан меҳнат қилган киши ҳеч вақт кам бўлмайди. Мартабаси улуг бўлаверади. Донгдор, айин вақтда инҳоятда камтар, меҳнатсевар металлург Абдуқаҳҳор Мирзаматовнинг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига делегат бўлиши унга билдирилган катта ишончдир.

А. Дегтярев фотоси.

КПСС Марказий Комитети Тезисларини муҳокама қилиб

ҚАЙТА ҚУРИШНИ ФАОЛРОҚ ОЛИБ БОРАЙЛИК

Балиқ саноатининг Мўйноқ ишлаб чиқариш бирлашмаси — Қорақалпоғистон автоном республикасидаги катта корхоналарнинг бири. Бу ерда катта ва аҳил коллектив меҳнат қилади. Корхона меҳнатчилари давлат планларини муттасил бажариб, маҳсулот сифатини яхшиламоқдалар. Ўтган йилнинг ўзидагина меҳнаткашларга 15,6 миллион шартли банка сифатли балиқ консервалари етказиб берилди.

Ишчилар коллективи тўла ҳўжалик ҳисобига ўтган ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш вазифалари анча мураккаб-лашди. Шу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш, фойдаланилмаган резервларини нига солиш, камчиликларни бартараф этиш, маҳсулот турини кўпайтириш, сифатини яхшилаш учун нималар қилиш керак — бирлашманинг очик партия ййгилишида мана шулар ҳақида талабчанлик ва манфаатдорлик билан гаплашиб олинди.

— Ҳар биримиз ленинчи партия Марказий Комитетининг Тезисларидан ўз иш нарядимизни топдик,— деди техник маҳсулот ишлаб чиқариш участкасининг катта мастери Е. Раҳметов.— Биз ҳозир жуда зўр сиёсий ва гоёвий-назарий кучга эга бўлган мазкур ҳужжатни шунчаки пропаганда қилиб, тушунтирибгина қолмай, шу билан бирга Тезисларда ўртага қўйилган вазифаларни амалга оширишда фаол қатнашяямиз ҳам. Илгари бизнинг участкамида 24 киши ишлар эди. Ҳозир ҳўжалик ҳисобига ўтилиши муносабати билан 7 кишини қисқартирдик. Бундан икки томонлама наф қўрилди: интизом ошди, ишлар яна ҳам аниқроқ ташкил этилмоқда, одамлар анча моҳирлик билан ҳаракат қиладиган бўлиб қолдилар. Яна бир муҳим жойи шундаки, иш ҳақи кўпайди.

Шофёр С. Болниёзов ишдан бўш вақтларида новвосларни сўқим қилиб ҳар йили давлатга икки бош қорамол топираётганлиги тўғрисида гапирди. Ишлаб чиқариш пешқадами шу тариха бевосита иштироки билан озик-овқат ресурсларини тўлдириб, қўшимча даромад олмақда.

Консерва цехининг катта мастери Ж. Калқўровов, ишлаб чиқариш техника бўлимининг бошлиғи П. И. Бочков, бош механик К. Қадриев, ишлаб чиқариш ва социял-маиший соҳадаги муҳим масалаларни кўтариб, ташкилотчилик ва идеология ишнини, меҳнаткашлар тарбиясини кучайтириш, одамларни иччимлик сув, қўмир, транспорт билан таъминлашни яхшилаш, уй-жойларни газлаштириш зарурлиги тўғрисида гапирдилар. Озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги қийинчиликлар, ёшлар учун қўшимча иш жойларини вужудга келтириш масалалари ҳали

(Давоми 2-бетда).

ҚАРДОШ ТУРКМЕНИСТОН ДИЁРИДА

ТОШОВУЗ, Туркменистон ССР, (УзТАГ). Ўзбекистон ССР делегацияси қардош Туркменистоннинг Тошовуз области ҳўжаликларида бўлди. Делегация составида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Қорақалпоғистон области партия комитетининг биринчи секретари Қ. С. Салиқов, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Раиси Т. А. Ешимбетова, Хоразм области партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов, Хоразм области ижроия комитетининг раиси Р. М. Худойберганаовалар бор.

Туркменистон диёридаги учрашуларда ошкоралик ва демократияни ривожлантириш, қайта қуришда халқ оммасининг кенг иштироки Ленин партияси ўртага қўйган новаторона вазифаларини ҳал этишга, ҳўжалик фаолиятидаги камчиликларни ўз вақтида бартараф қилишга, иқтисодий ва социал соҳадаги барча ишларни тақомиллаштиришда қандай ердан бераётганлиги ҳақида манфатдорлик билан амалий фикрлашиб олинди. Бунда қардош республикалар ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришга, илгор тажрибаларни ўртоқлашишга муҳим аҳамият берилди.

КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифок партия конференциясига Тезислари бу ишга янги омил бахш этди. Ана шу муҳим сиёсий ва ғоявий-назарий ҳужжатнинг юксак моҳиятини ҳар бир совет кишига етказиш, партия ва мамлакат ҳаётидаги шонли воқеани муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада кенгроқ авж олдириш партия таъкилотларининг шон-шараф иши эканлиги таъкидланди.

Тошовуз облатининг Тахта районидagi Куйбисhev номи колхозда — қўшни республикаларнинг энг катта пахтакор ҳўжаликларида бирида делегация аъзолари дала ишларининг бориши билан танишдилар, ҳўжалик пахтакорлари, чорвадорлари, соҳибкорлари билан учрашдилар. Амударё қўйи оқимидаги учта катта колхоз меҳнат ра-

қобати тўғрисида ўзаро шартнома тузганларига бир неча йил бўлди. Ана шу колхозларнинг раҳбарлари: Туркменистон ССР 40 йиллиги номи колхоз раиси С. Рўзметов, Хоразм областидаги Бери-Моново номи колхоз раиси А. Искандаров, Ҳўжайли районидаги Ленин номи колхоз раиси Р. Ҳасанов қишлоқ меҳнатчилари XIX Бутуниттифок партия конференциясини кутиб олишга қандай тайёргарлик кураётганликлари, беш йилликнинг учинчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётгани ҳақида ахборот бердилар. Тўпланган иш тажрибасини, пахтачилик ва чорвачиликда оила, коллектив, бригада пудратини жорий этиш тажрибаларини ўртоқлаш, меҳнатни ташкил этишнинг бошқа илгор формаларини ўрганиш мусобақа қатнашчиларига қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришда барқарор муваффақиятларга эришиш имконини бераётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Социал соҳани ривожлан-

тириш — уй-жой, мактаблар, мактабгача тарбия болалар муассасалари ва бошқа маданий-маиший объектларни қуриш ҳозир муҳим вазифа эканлиги ўқитиб ўтилди. Дала ва ферма меҳнатчилари қишлоқ ҳаётининг ҳамма соҳаларини қайта қуриш йўлини қизгин маъқулламақдлар.

Делегация аъзолари Туркменистон ССР 40 йиллиги номи колхоз чорвадорлари иши билан қизиқиш танишдилар. Бу ерда Литванинг қора-ола зотли сигирларини қўлайтириш учун наслчилик фермаси ташкил қилинган. Юксак рентабелли ҳўжалик ўтган йилнинг ўзидagina планга қўшимча 68 минг сўм фойда олди. Фермада молларни боқиш, ем-хашак тайёрлаш, соғиш, чорвачилик биноларини тозалаш жараёнларининг ҳаммаси механизациялаштирилган. «Тўла ҳўжалик ҳисобига ўтганимиздан кейин ишлар юришиб кетди, — деб ҳикоя қилди ферма бош зоотехниги А. В. Тўмеҳмонларга. — Ҳозир фермада 1600 бошдан кўпроқ қорамол ва 9 минг бошдан зиёд қўй-эчки бор. Ўз паррандачилик фермамиз ҳам мавжуд. Гўшт, сут, туҳум етиштириш планлари ҳар йили ошириб бажариламоқда. Илгор сут соғувчи — Туркме-

нистон ССР давлат мунофотининг лауреати Жумбаева Абдурахмонова йилга ҳар бир сигирдан 3600 килограмм сут соғиб олмақда».

Ўзбекистон ССР делегацияси колхоз санъат саройини очиб маросимда қатнашди. Бу замонавий маданий масканда 1200 ўринли томоша зали, видеоотека, кутубхона, тантанали маросимлар ўтказиладиган зал бор. Санъат саройи ичини безашда Хиванинг энг яхши ёғоч ва ганч уймакорлари иштирок этдилар.

Кечқурун колхоз майдонида интернационал дўстлик митинги ўтказилди. Митинг Туркменистон ва Ўзбекистон санъат усталари ҳамда бадиий ҳаваскорлик коллективлари қатнашчиларининг концерти билан якуланди.

Туркменистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. А. Нийзов, Туркменистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Х. Дурдыев, Тошовуз области партия комитетининг биринчи секретари О. Хожакор, Тошовуз области ижроия комитетининг раиси В. В. Рашидов Ўзбекистон делегациясининг сафаринда ҳамроҳлик қилдилар.

ҚАЙТА ҚУРИШНИ ФАОЛРОҚ ОЛИБ БОРАЙЛИК

(Боши 1-бетда).

секинлик билан ҳал қилинмоқда.

Тўб иқтисодий ислохот, ҳўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтиш бirlашма меҳнатчиларининг ўз ишига янгича назар ташлашларига, ўз имкониятларини чамалаб қўришларига имкон берди. Коллектив келгуси йилдаёқ балиқ

консервалари ишлаб чиқаришни 18 миллион шартли банкагача қўлайтиришни мўлжалламақда. Лекин, афсуски, Ўзбекистон ССР Госплани қўшимча хом ашё ажратиб беришда кўмаклашмаяпти.

Ийгилишда Орол денгизини қайта тиклаш ва сақлаб қолиш масалалари ўткир янгради, табиий мухитини муҳофаза қилиш борасидаги

куч-гайратларни активлаштириш, экологик вазиятни тўбдан яхшилаш муҳимлиги таъкидланди.

Ийгилиш қатнашчилари ҳозир КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети, Ўзбекистон, Қўзғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Туркменистон партия ва совет органдари Орол денгизи раёонидаги экология ва санитария вазиятини тўбдан яхшилаш, унинг ҳавзасидаги сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланишни ошириш ҳамда уларни муҳофаза қилишни кучайтириш борасида оператив чора-тадбирларни қўраётганликлари тўғрисида

хабардор қилиндилар.

Аҳолига медицина хизмати даражасини ошириш, аҳоли пунктларининг сув таъминоти ва канализация системаларини кенг ривожлантириш, Орол бўйи районларида ихота дарахзорлари ва бутазорларини вужудга келтириш ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, Орол денгизи ҳавзасида халқ ҳўжайлигини ривожлантиришнинг иқтисодий муаммолари юзасидан илмий тадқиқотларни ташкил этишни яхшилаш борасида қўшимча тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Қўрилаётган чоралар натижасида Орол денгизига сув кела бошлади. Ўт-

ган йили Орол денгизига 9,5 куб километр сув тушган бўлса, шу йилнинг беш ойи мобайнида 10 куб километрдан ортиқроқ сув тўпланди. Бу ҳол комбинат меҳнатчиларига балиқ овланиш қўлайтириш, келгусида эса маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш ҳамда океан бағирини ташиб келтиришни қисқартириш ҳисобига коллективнинг узлуksиз ишлашини таъминлаш имконини беради.

Ийгилишда Қорақалпоғистон области партия комитетининг биринчи секретари Қ. С. Салиқов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

30 май кунин Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг навбатдаги мажлиси бўлди. 1988 йилги пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалик экинлари ҳосилини машиналар ёрдамида йиғиштириб олиш, сақлаш ва қайта ишлашга тайёргарликка оид шўшилиш тадбирлар тўғрисидаги масала қўриб чиқилди. Муҳомама чоғида ўтган йиллардаги кўпгина хатолар бу йил ҳам қайтарилмаётганлиги таъкидланди.

Қорақалпоғистон АССР Давлат агросаноат комитети, области агросаноат комитетлари ва район агросаноат бирлашмалари делаларни машина теримиға ажратиб бериш ва ўрда табаклаштирилган агротехника тадбирлари ўтказилиши юзасидан амалий ишларни авж олдиришлар. 16 майга қадар 38,7 минг пахта териш машинасидан 13 мингтаси тайёрланмаган. Пахта тозалаш корхоналарига муайян турдаги эҳтиёт қисмларини тўла ҳажмда етказиб бериш масалалари узил-кесил ҳал этилмаган. Корхоналарини дон ҳосилини қабул қилиб олиш ва уни қайта ишлашга тайёрлашда ҳам шунга ўхшаш камчиликларга йўл қўйилмоқда. Мева ва себзавот маҳсулотини қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилиш учун моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирлари ҳам суст-кашлик билан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетига ўн кун муддат ичида «Гласред-азирсовхозстрой», ВАХНИЛ Урта Осие бўлими, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва области ижроия комитетлари билан биргаликда 1988 йилги пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалик экинлари ҳосилини машиналар ёрдами-

да йиғиштириб олиш, тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлашга тайёргарликка оид масалаларнинг бутун комплексини яна бир қарра синчилаб қўриб чиқишни топширди. Бунда интенсив технологияларни, ҳўжалик юриштиришнинг иқтисодий методларини, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг пудрат формаларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунининг кучга кириши муносабати билан Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетига, «Гласредазирсовхозстрой» ва Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва области ижроия комитетларига ташқаридан ишчи кучи жалб этилишига муҳтож бўлган ҳўжаликлари барвақт аниқлаш, ўз вақтида шартнома-лар тузилишини таъминлаш, шунингдек жалб этилган кишилар учун зарур уй-жой ва маданий-маиший шaroитларни яратиш мақсадага мувофиқ деб топилди.

Президиум уй-жой программасини амалга ошириш юзасидан Наманган шаҳар ижроия комитетининг иш тажрибасини кўриб чиқди ва маъқуллади. Бу тажриба «Известия» газетасининг 1988 йил 2 май сонидан босилган «Квартирамини топшироқчиман» мақоласида баён этилган эди. Шаҳарда 2000 йилга қадар 4,452 минг квадрат метр уй-жой қурилиши керак. Шунинг ярами яқка тартибда бунёд этилади. Шаҳар ижроия комитети бу социал муаммонинг иҳоянда муҳим аҳамиятга молик эканлигини инобатга олиб, давлат уйлари ва кооператив уйларида яшаётган граждaнларга квартира ўрнига яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларини навбатдан ташқари аж-

ратишга рухсат берадиган қарор қабул қилди. Фақат сўнгги вақтдагина граждaнлар ўз ихтиёри билан 337 квартирани ер участкаларига алмаштиридилар. Бу эса 13 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой майдонини бўшатиб олишига имкон берди. Уй-жой қурувчиларга уй лойиҳасини таллаб олиш ва бу лойиҳани мослаштиришда амалий ёрдам кўрсатиш учун шаҳар ижроия комитетининг архитектура бўлими хузурида «Мезмор» кооператив ташкил этилди. Мазкур кооператив кучи билан уй-жойларнинг 16 хил варианты лойиҳаси ишлаб чиқилди. Граждaнларнинг бюрократияларини бажариш учун шаҳардаги қурилиш таъкилотларидан фаол фойдаланилмоқда. Давлат банки ссудаларининг берилиши яқка тартибда уй-жой қурилишини ривожлантиришга самарали таъсир ўтказмоқда. Шу йил шаҳарда яшoвчи 76 нафар граждaн 1 миллион сўмликдан кўпроқ ссуда берилди.

Қабул қилинган қарорда Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, области ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети ҳамда шаҳар ва район ижроия комитетларига Наманган шаҳар ижроия комитетининг шаҳар аҳолисини уй-жой билан таъминлаш муаммосини ҳал этишдаги иш тажрибасини ўрганиш ва бу тажрибани ўзларига қарашли территорияларга кенг ёйиш топширилди.

Президиум мажлисида ҳўжалик рўзгор чикиндиларини йиғиш ва қайта ишлашга оид ишнинг қонқарсизлиги тўғрисидаги масала ҳам қўриб чиқилди. Республикада 5 миллион тонна қаттиқ рўзгор чикиндиларининг фақат 2 проценти қайта ишланмоқда, бу эса атмосфера ҳавоси, тупроқ ва ер ости сувларининг ифлослани-

шига олиб келмоқда. Аммо шунга қарамадан, Бухоро, Самарқанд областларининг ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети директив органларнинг мазкур масала хусусидаги қарорларидан зарур ҳулосалар чиқариб олмадилар. Чикиндини қайта ишлайдиган заводларни ўз вақтида лойиҳалаш ва қуриш учун зарур чораларни кўрмадилар. Тошкент области ижроия комитети ҳам ҳанузгача Тошкент шаҳар ижроия комитетига чикиндиларни қайта ишлайдиган заводни лойиҳалаш учун ер участкаси ажратиб бермай, интизомсизлик қилди. «Ўзгиротяжпромп» институти шу боисдан 1983—1984 йилларда заводлар лойиҳасини тайёрлай олмади, бу эса ана шу объектларни белгиланган муддатда қуришни барбод этишга олиб келди. Санитария йўли билан тозалаш идораларига қарашли 195 та «Автодормехбаз» ва гаражларнинг 8 таси типовой лойиҳалар асосида қурилган, бошқалари эса мослаштирилган биноларда жойлашган. Улар махсус автомашиналар ва механизмлар билан 60—70 процент атрофда таъминланган бўлиб, махсус автотехникадан 40 процентдан кўпроғи ҳар жиҳатдан эскириб қолди.

СССР Министрлар Советининг чикиндини қайта ишлайдиган заводларни ўз вақтида қуриш тўғрисидаги қарорининг бажарилишини барбод этганликлари ва республика ҳукумати қарорлари бажарилиши устидан зарур назорат йўлини учун Бухоро области ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ А. И. Раҳматовга, Самарқанд области ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Б. Ҳамроевга, Тошкент области ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Н. И. Гусакoвга ҳайф-

сан эълон қилинди. Бухоро области ижроия комитетининг раиси ўртоқ А. Х. Тошкенбоев, Самарқанд области ижроия комитетининг раиси ўртоқ А. А. Йўлдошев, Тошкент области ижроия комитетининг раиси ўртоқ П. М. Абдурахмонов ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ш. Р. Мирсаидовнинг эътибори чикиндини қайта ишлайдиган заводларни лойиҳалаш ва қуриш устидан зарур назоратнинг йўлқилишга ва бундай корхоналарни қуриш учун ер участкасини ажратиб бериш масаласи ҳал этилмаётганлигига қаратилди.

Тошкент области ижроия комитети ва Ўзбекистон ССР давлат агросаноат комитетига 1988 йилнинг августига қадар Тошкент шаҳрида чикиндини қайта ишлайдиган заводларни лойиҳалаш ва қуриш учун 20 гектар ер участкаси ажратиб бериш топширилди. Бухоро, Самарқанд области ижроия комитетларига 1989 йилда чикиндиларни қайта ишлайдиган заводлар қурилишини давом эттириш ва бу корхоналарнинг норматив муддатларда фойдаланишга топширилишини таъминлаш юзасидан конкрет тадбирлар қабул қилиш таълиф этилди.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, области ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР уй-жой ва коммунал ҳўжалик министрлиги ҳамда Тошкент шаҳар ижроия комитетига 1988—1990 йилларда ва 2005 йилга қадар Ўзбекистон ССР шаҳарлари ва район марказларини санитария йўли билан тозалашни ривожлантириш схемасида қўзда тутилган топшириқлар ва ишларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, ўзбошимчилик билан уюлган ахлотноларни зарур санитария ҳолатига келтириш, полигонларни зарур техника билан етарли миқдорда таъминлашни биринчи гадаги тадбирлар сифатида назарда тутиш топширилди.

ИНҚИЛОБДА ЧИНИҚҚАН, КУРАШЛАРДА ТОБЛАНГАН

Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби, содиқ ленинчи Валериан Владимирович Куйбишев туғилган кунга 6 июнда 100 йил тўлади. У Омскда офицер оиласида дунёга келган эди.

Валериан 14 ёшга тўлганда биринчи марта партия тошқирини бажарди, отаси хизмат қилаётган ҳарбий бўлинмада варақа тарқатди. Кейинчалик ўзининг бутун ҳаётини ишчилар синфини озод қилишдек шарафли курашга бағишлади, РСДРП Омск комитетига аъзо бўлиб кирди, большевик бўлди. Кадетлар корпусини тугатгач, отасининг қистовига қарамай офицер бўлиш ниятидан қайтди ва ҳарбий билим юртига эмас, балки Петербург ҳарбий-медицина академиясига ўқишга кирди.

Бу вақтда Россияда биринчи рус революцияси бошланган бўлиб, Петербург революцион ҳаракатлар марказига айланганди. Дарҳол РСДРП комитети билан алоқа боғлаган Валериан Владимирович ишчилар орасида яширин адабиёт ва варақалар тарқатишда қатнашди, Финляндиядан келаятган бомбали яшиқларни марказий омборга етказиш, қуролли қўзғолон учун зарур бўлган қурол-яроғларни Москвага жўнатиш билан шуғулланди.

1906 йил баҳориди у революцион фаолияти учун академиядан ҳайдалди ва яширин ҳолатга ўтиб, яна ўзи туғилган Омскка қайтиб революцион ишга шўнғиб кетди. Шу йил кузиди В. В. Куйбишев Омск умумшаҳар партия конференциясида доклад қилаётган пайтда барча делегатлар билан бирга ҳибсга олинди. Унинг ҳаётида қийин ва оғир давлар бошланди. Революцион фаолияти учун, чоризмга ҳафс солувчи киши сифатида 3 марта судланди, 8 марта қамоққа олинди, тўрт марта сургун қилинди. Аммо қаерда бўлмасин садокатли большевик Валериан Владимирович ўзининг революцион фаолиятини тўхтатмади.

1916 йилда В. В. Куйбишев сургундан қочиб Самарга (ҳозир унинг номида) келди ва қувур заводига фрезерчи бўлиб ишга кирди. Тезда ишчилар орасида танилиб, Самара партия ташкилоти раҳбарларидан бирига айланди.

Петроградда қуролли қўзғолон бўлиб ҳокимият ишчи депутатлари Советлари қўлга ўтганлигини ашитган Самара большевиклари ҳам вақтда отландилар. Бу вақтда губерна партия ташкилоти раиси бўлиб ишлаёт-



ган В. В. Куйбишев 1917 йил 11 ноябрда Самарда Совет ҳокимияти ўрнатилганлигини эълон қилди. Унинг бошчилигида революцион комитет тузилиб, дастлабки социалистик ислохотлар ўтказила бошланди: шаҳарда эски ҳокимият органлари тугатилди, банклар национализация қилинди, ишлаб чиқариш устидан ишчи назорати ўрнатилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 1919 йил кузидан В. В. Куйбишевнинг ҳаёти бевосита Туркистон билан боғланди. Турккомиссиянинг тузилиши ўлкада Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлди. 4 ноябрда Турккомиссия аъзолари Тошкентга келиб иш бошлади. Булар орасида В. В. Куйбишев ҳам бор эди.

Туркистон Коммунистик партиясининг большевизм принциплари асосида жишлаштириш, ўлкада Совет ҳукумати миллий сиёсатини ўтказиш, Туркистон ва Россия халқлари ўртасида қардошларча дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида иш бошлаган. Турккомиссия аъзолари И. И. Лениннинг «Туркистондаги коммунист ўртоқлари» номи билан машҳур бўлган хатида янги сургунлан кўрсатмаларга қатъий амал қилдилар.

Валериан Владимирович Бухоро амриятида рўй бераятган воқеаларни диққат билан кузатиб борди. У амирлик истибодига қарши қўзғолган Бухоро меҳнатчиларига ердан бериш зарур деб ҳисоблади. 1920 йил 28 августда кўтарилган Бухоро меҳнатчиларининг

**В. В. Куйбишев
туғилган кунини
100 йиллигига**

қуролли қўзғолони М. В. Фрунзе ва В. В. Куйбишев буйруғи асосида Туркистон Фронти қўшинлари томонидан дарҳол қўллаб-қувватланди. 2 сентябрда Бухорода ҳокимият меҳнаткаш халқ қўлига ўтди.

РСФСР ҳукумати биринчи бўлиб Бухоро Халқ Совет Республикасини таниди ва В. В. Куйбишеви ўзининг Бухородаги мухтор вакили қилиб тайинлади. Бир вақтнинг ўзиди В. В. Куйбишев РКП(б) Марказий Комитети ва Коммунистик Интернационалнинг Бухоро Компартияси Марказий Комитетиди вакили сифатида ҳам иш олиб бориб, ўзининг етук сиёсатчи эканлигини кўрсатди.

1920 йил декабрда Советларнинг Бутунроссия VIII съезиди делегат қилиб сайланган В. В. Куйбишев Ўрта Осиёга бир йилдан ортиқ ишлаб яна Москвага қайтди, лекин унинг Туркистон билан алоқаси узилмади. У Ўрта Осиёда миллий — давлат чегараланишини тайёрлаш ва ўтказиш комиссияси ишда қатнашди. Бу ерда янги тузилган республикалар иқтисодий аҳолини яхшилаш тўғрисида раҳбарлик

қилди. Жумладан, 1925 йилда партия Марказий Комитети Сиёсий бюроси қарори билан унинг раҳбарлигида тузилган комиссия Ўзбекистон ва Тожикистонни мамлакат марказий районлари билан алоқасини яхшилаш, бу республикалар экономикасини ривожлантириш мақсадида Термиз—Душанбе темир йўли қуришни тақлиф қилди.

В. В. Куйбишев Ўрта Осиёга, шу жумладан Ўзбекистонга сўнги бор 1934 йил кузиди ВКП(б) Марказий Комитети вакили сифатида келди. Ўрта Осиё Совет республикаларида пахта тайёрлашининг аҳоли билан танишиди. Барча пахтакор районларда, юзлаб колхозларда бўлиб, пахтакорлар билан дилдан суҳбатлашди, уларнинг ҳаёти ва турмуши билан қизиқди, қийматли маслаҳатлар берди.

Маълумки, Владимир Ильич Ленин ўзининг СССРда социализм қуриш планини ишлаб чиққан сўнги мақола, нутқ ва хатларида давлат пахта партия аппаратыни тақомиллаштириш, индустриюни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида тўхталган эди. РКП(б) XIII съезди доҳий васиятларига амал қилиб партия ва давлат контролини ягона бир органга бириштириш, яъни Марказий Контроль Комиссияси билан Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигини бирига қўшиб тўғрисида қарор қабул қилди. В. В. Куйбишев шу қўшма органга бошчилик қила бошлади. Унга партия, совет, хўжалик, шунингдек, маориф, маъмурий

масалалар, ҳарбий ишлар билан шуғулланишга тўғри келди. Ҳар бир ишни ниҳоятда синчковлик билан кўриб чиқар, бевосита ўзи мамлакатнинг турли районларида бўлиб вазият билан танишарди, масалани ҳал этишда ленинча принципиалликни намойиш этарди.

1926 йилда Ф. Э. Дзержинский вафотидан сўнг В. В. Куйбишев халқ хўжалиги Олий Кенгаши раҳбари сифатида мамлакатни социалистик индустриллаштириш, электрлаштириш ишларига, шунингдек, СССР халқ хўжалигини ривожлантириш биринчи беш йиллик планини ишлаб чиқиш комиссиясига раҳбарлик қилди. ВКП(б) XV съезиди беш йиллик план контрол рақамлари тўғрисида доклад қилди. Шу съезиди у партия Марказий Комитети Сиёсий бюроси составига киритилди.

Партия В. В. Куйбишевга яна ҳам катта вазифани топширди. 1930 йил 10 ноябрда СССР Марказий Иқтисод Комитети уни СССР Давлат план комитети раиси ва СССР Халқ Комиссарлари Совети ҳамда СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши раиси ўринбосари лавозимларига тайинлади. В. В. Куйбишев иккинчи беш йиллик план директиваларини ишлаб чиқишга бош-қош бўлди. ВКП(б) XVII съезиди шу масала юзасидан доклад қилди.

ВКП(б) XVII съезди Марказий Контроль Комиссияси ва ишчи-деҳқон инспекцияси Халқ комиссарлиги ишини қайта қуриш ҳақида қарор қабул қилди. Қўшма орган ўрнида партия контрол комиссияси ва совет контрол комиссияси ташкил этилди. В. В. Куйбишевга яна бир катта ишюч билирилди. У эгаллаб турган лавозимлари билан бир қаторда Совет контрол комиссияси раиси вазифасини бажара бошлади.

В. В. Куйбишев куч-қувватга тўлган, ташкилотчилик ва раҳбарлик қобилияти юксалиб келаятган бир пайтда 1935 йил 25 январда 47 ёшда тўсатдан вафот этди. У ўзининг қисқа ва мазмунли ҳаётини социализм ишга қарлади. Шунинг учун ҳам унинг хотираси совет халқи қалбиди абадий япайди.

Искандар ҲАЙИТОВ,
тарих фанлари кандидати, доцент.

(Авторнинг илтимосига қўра мақоланинг қалам ҳақи Совет Тinchлик фондида ўтказилди).

Ильичнинг сафдошига

ҚўКЧАТОВ. 2 июнь. (ТАСС мухбири). В. В. Куйбишевнинг республика ёдгорлик музейи реконструкция қилиб бўлингандан кейин зиёратчиларнинг кўз ўнгига янгиланган ҳолда намоён бўлди. Бугун, оташин революционер туғилган куннинг юз йиллиги арафасида бу ерда катта китоб экспозицияси очилди.

Экспозицияда ленинчи большевикнинг шахсий кутубонасидан олинган китоблар, унинг асарлари ҳамда замонадошларнинг у ҳақдаги хотиралари қўйилган. Янги қўйилган китоблар орасида «1917—1928, 1929—1934

йиллардаги таянган асарлари икки томлиги», «В. В. Куйбишев. Фотосуратлар билан ҳужжатларда акс этган ҳаёт ва фаолият», «Жанг — ҳаёт қувончи», «В. В. Куйбишев — экономист» китоблари бор.

6 июнь кунин атоқли юрдошнинг юбилейи нишонланади. Бу юбилейгача музейнинг бошқа бўлимлари ҳам тўлдирилди. Ёнг катта бўлим Куйбишевнинг ҚўКЧАТОВДА ўтган болалик йилларига бағишланган. Кейинги бўлимларда унинг революцион фаолиятини, Петропавловскда большевикларнинг дастлабки яширин ташкилот-

ларини тузишдаги, Уралскни қаҳрамонона мудофаа қилишдаги, 1919—1920 йилларда Туркистонда совет ҳокимиятини ўрнатишдаги ролини кўрсатувчи экспонатлар қўйилган.

Шонли сана арафасида уй-музейнинг илмий ҳодимлари кўчама выставалар ташкил этмоқдалар, шаҳар корхоналарида ва олий ўқув юрталарида лекциялар ўқимоқдалар. Тарихимизни янги аҳд идрок этиш даврида кишиларнинг Ильич сафдоши, советлар мамлакатни бунёдкорларидан бири — В. В. Куйбишевнинг шахсига қизиқиш фойда каттадир.

Партия ва халқнинг содиқ фарзанди

3 июнь кунин Тошкентда шаҳар жамоатчилигининг В. В. Куйбишев туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган йиллигини бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси Р. Ғ. Ғуломов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг директори Ш. С. Зиёмов ва бошқаларнинг нутқларида партия ва давлат таниқли арбобининг

революцияга, Туркистонда босмачиликка қарши курашга, мамлакатини индустриллаштиришга қўшган катта ҳиссаси тўғрисида гапирилди. Ўзбекистон меҳнаткашлари партия билан халқнинг содиқ фарзанди хотирасини муқаддас сақлайдилар.

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида В. В. Куйбишевга бағишланган фотовиставка очилди. (ЎЗТАГ).

ИЖАРА ПУДРАТИ — МАЪМУРЧИЛИК ЙЎЛИ

«Ижара пудрати — озиқ-овқат маъмуричилигига олиб борадиган энг қисқа йўл. КПСС Марказий Комитетиди агроаноат комплекси ижара пудрати коллективларининг ҳодимлари билан, партия, совет ва хўжалик органларининг раҳбарлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари би-

лан 1988 йил 13 майдаги учрашув» тўғрисида босмадан чиқарилди.

Янги китобга КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг нутқи, КПСС Марказий Комитетиди учрашувнинг бошқа материаллари киритилган. (ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ТЕЗИСЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

ХАТЛАР • ФИКРЛАР • МУЛОҲАЗАЛАР

КПСС Марказий Комитети фикрлар хилма-хиллигини қўллаб-қувватлаш билан бирга мунозаралар социализм заминидagina ва социализм манфаатлари йўлидагина самарали бўлишини таъкидлайди. Мунозаралар сиёсий муҳолифликка, социал кучларнинг парокандашувига олиб бормаслиги керак, бу эса бутун жаҳонимиз учун энг зарур вазифаларнинг ҳал этилишини чигаллаштирган бўлур эди.

[КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезисларидан].



МАСЪУЛИЯТНИ КУЧАЙТИРИШ КЕРАК

КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезисларида «Табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги куч-ғайратларни ошириш, мамлакатдаги экологик вазиятни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш энг муҳим вазифалардан бирidir» дейилган.

Кейинги йилларда экология масалаларига эътибор кучая бошлади. Буни Олмалиқ шаҳри мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ердаги саноат корхоналарида атроф-муҳитга зарарли моддалар, газлар тарқатилишини камайтиришга қаратилган ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Ҳозир ҳам қатор шундай объектлар барпо этиляпти. Жумладан, комбинатда атмосферага захарли газлар чиқишининг олдини олувчи тозаловчи ишпоот қурилмоқда. Бу иш бизнинг коллективимиз зиммасига юклатилган.

Лекин давлат аҳамиятига молик бўлган бу объектида ишлар яхши кетяпти, деб бўлмайди. Биринчи кварталда ишпоот учун 4 та ювчи минораси, 2 та моногидрат сўргич ва контакт аппаратлари келтирилиши керак эди. Амалда эса ювчи минораларини эндигина олди. Контакт аппаратларини етказиб бериш эса августга қолдирилди. Таъминотдаги бу оқаш шундай муҳим объектнинг фойдаланишга топширилишини кечиктириб юбориши турган гап.

Афсуски, умуман таъминот масаласи ҳамон мураккаблигича қолмоқда. У ҳалқ ҳужалигининг барча соҳаларида кўп йиллардан бери давом этиб келаётган жиддий касалликка айланиб қолди.

КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида ҳалқ ҳужалигини интенсив йўлдан ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Лекин таъминот яхшиланишмас экан,

жойларда қўллаб иш вақти бекор йўқотилаверади. Сўнг объектларнинг муддатидо фойдаланишга топширилмаслиги ва штурмчилик оқибатида сифатсиз бажарилган ишлар ҳисобига қурилган зарар ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Бундай шароитда интенсив ривожлантириш бўлмайди.

Тўғри, ҳозир бизда шартнома мажбуриятларини бажармаган таъминотчиларга нисбатан қўлланилаётган жазо чоралари бор. Улардан ишлаб чиқаришдаги узилтиш туфайли қурилган зарарнинг маълум қисми ундириб олинади. Лекин бу чора ҳозирча етарли натижа бермаёпти. Шунинг учун ҳам конференцияда таъминотни яхшилаш муҳим масалалардан бири сифатида қўриб чиқилишини истардим. Бу юртимда мажбуриятларини ундолмаган ёки сифатсиз бажарган коллективларга нисбатан қўлланиладиган жазо чораларини янада кучайтириш керак. Уларнинг лоқайдлиги, бепарволиги оқибатида қурилган барча зарар тўла ундириб олинмайдиган тартиб жорий қилинсин.

Х. ТЕ,
«Промтехмонтаж» қурилиш бошқармаси бошлиғи.

Секретарь мустақиллиги учун

БАРЧА совет кишилари қатори Бўна пахта тозалаш заводи меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезисларини қизгин кутиб олдилар. Шу кунларда бу тарихий ҳужжат зўр эътибор билан ўрганилмоқда. Агитаторлар, сиёсий доқладчилар, пропагандистлар Тезисларини пахта тозаловчилар ўртасида кенг тушунтирмоқдалар. Айни вақтда ишчи-хизматчилар ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам ўртоқлашмоқдалар. Жумладан, завод бошланғич партия ташкилотининг секретари Тўлоной ҲАМРОҚУЛОВА қуйидаги фикрлар билдирди:

— Тезислар мамлакатимизда тобора авж олаётган демократия ва ошкораликни ўзида тўла анс эттирган. Унда жуда кўп янгилликлар бор. Шуларнинг ҳаммаси қайта қуриш жараёнини янада тезлаштириш, иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, совет кишиларнинг социал-маданий турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган. Шунинг учун ҳам уларда баён этилган қўлчилик қондалар тўла қўллаб-қувватланмоқда.

Лекин мен бошланғич партия ташкилотлари ва унинг секретарлари маъқени кучайтириш билан боғлиқ бўлган бир масала ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Маълумки, коммунистлар сони кам бўлган бошланғич партия ташкилотлари жуда кўп. Уларнинг секретарлари эса ўзининг бевосита корхона-ташкilotидаги вазифасини бажариш қатори партия ташкилоти фаолиятига ҳам раҳбарлик қилади. Бу, албатта, муайян қийинчиликлар туғдиради. Қўшимча куч-ғайрат, вақт сарфлаш, ҳақто, дам олиш кунларидан воз кечишни талаб этади. Биз бундан қочмаймиз. Лекин бевосита ишлаб чиқариш бўйича корхона ёки ташкилот раҳбарига бўйсунмаймиз. Маошнинг ҳам шу ердан оламиз. Партия ташкилотининг секретари сифатида ҳеч қандай манфаат кўрмаймиз. Аксинча, қўпгина имтиёزلардан ўзимизни тиямиз. Бундан нолишимиз ҳам мумкин эмас. Қўпчиликка раҳбарлик қилиш ва уларнинг хизматида бўлиш шуни тақозо этади.

Менинг фикримча, бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг маъқен ва масъулиятини ошириш учун уларнинг ишлаб турган корхонасига ёки ташкилоти маъмуриятига қараб бўлмаслигини таъминлаш керак. Бунинг учун иш ҳақини бошқа жойдан, масалан, район партия ташкилотидан берилса дуруст бўларди. Тўғри, йирик партия ташкилотларида шундай тартиб ўрнатилган. Бироқ камсонли ташкилотларда эса бундай бўлмайпти. Албатта, бу шахсий фикр. Мақсад камсонли партия ташкилотлари секретарларининг мустақиллигини кучайтириш таъминлашдан иборатдир. Конференцияда шу масала хусусида ҳам фикр юритилишини истардим.

У. МУҲАМЕДОВ.

ПУДРАТНИ ҚЎЛЛАБ

ЎРТА Чирчиқ районидagi Ленин номи колхозининг Болтахўжа Исмаилов бошлиқ қишлоғида бригада сабзавоткорлари 60 гектар майдонда деҳқончилик қилмоқдалар. 10 гектар майдондаги картошка, 30 гектар майдондаги пияз, 10 гектар ердаги тарвуз, 10 гектар майдондаги помидор баврағ ўсмонда. Ҳозир экинлар обитобида парваришланиб, озиклантириляпти.

— КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезисларида СССР Озиқ-овқат программасининг бажарилиши, коллектив пудратни ривожлантириш ҳақида фикрлар баён қилинган, — деди бригада бошлиғи В. Исмаилов. — Биз ҳам шу йилдан бошлаб оила пудратига асосда иш юритмоқдамиз. Айни пайтда дастлабки натижалар кўзга ташланиб қолди. Дала ишларида Исмаилов Тўқонов, Раҳимбой Ҳайитбоев, Воҳиджон Турсунов етакчилик қилаётган оилавий звенолар бошқаларга ибрат бўлишмоқда. Уларнинг далаларида экинлардан мўл ҳосил тўпланмоқда. Мақсадимиз — бу йил маъжуд майдондан 20 тонна картошка, 50 тонна помидор, 22 тонна пияз, 20 тонна тарвуз етказиб беришдан иборат.

М. УСМОНОВ.

Ишонч тикланса...

КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезисларида қонунчиликни мустаҳкамлаш, давлат ҳаётининг демократик принципларини, граждaнларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳақидаги одилол фикрлар барчанинг дилидаги гаплардир. Чунки турғунлик йилларидаги салбий воқеалар суд ва прокуратура органлари фаолиятига ҳам тааллуқли бўлиб, оқибатда граждaнларнинг бу соҳага бўлган ишончлари анча камайиб кетган эди. Тезисларда мана шу фикрлар ҳам ўзининг яққол ифодасини топган. Мен ундаги

«Судьялар, прокурорлар, терговчилар ўз фаолиятларида ҳар қандай таъйин ва аралашувлардан ҳоли бўлишлари эришмоқ лозим. Улар қонунга ва фақат қонунга бўйсунушлари керак» сўзларидан сўнг «қонунга амал қилмаган, ундан чекинган ходимларни ҳам жазолаш мақсадга мувофиқ» деб қўшиб қўйишни таклиф қиламан. Шундагина совет граждaнларининг ҳуқуқлари ва манфаатлари тўлиқ ҳимоя қилинишига эришилади.

М. АБДУРАШИДОВ,
Тошкент Фармацевтика институтини катта ўқитувчиси.

АМАЛИЙ ИШ БЎЛСИН

Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ҳалигача беқарорлик, ҳозирги давр талабларига мувофиқ мувофиқ келмайдиган тўсиқларга дуч келмоқдамиз. Масалан, пойтахт аҳолисини қилиз маҳсулотлари билан таъминлашдаги ҳужасизлик туфайли давлат дўконларида картошка бўлмади, унинг бозор нархи эса 2 сўмгача қўтарилди кетди. Ҳар йили картошкадан 2 марта ҳосил олиш мумкин бўлган Ўзбекистондек серқуш ўлкада бундай ачинарли аҳволга тушиб қолганимизга ким айбдор? Менимча, бу борада

республикаимиздаги тегишли министрлик ва идоралар, ҳужалик органларининг бюрократик позициясини иқтисодий ислохотни бекаму-куст амалга оширишга тўсиқлик қилаётганлиги, маъмур органларда ишлаётган мутахассис-кадрларнинг ўз соҳасини пухта билмаслиги, уларнинг қўпчилиги ҳалқ манфаатини ўйлаш ўрнига қўпқўр ўз мансаби ва маъқени сақлаб туришга уринаётганлиги асосий сабаб эмасми?

Назаримда, қайта қуриш бизда ҳали сўздан амалга ўтгани йўқ. Бу ҳақда жуда кўп гаплар айтилиштию, аммо

улар ҳаётга тадбиқ қилинмай ярим йўлда қолиб кетаяпти. Агар биз турғунлик давридан «мерос» бўлиб қолган бу иқтисодий иллатдан қутулиш чораларини қўрас эканмиз, жаҳоний революцион қайта қуриш ва янгилаш деган юксак тушунчаларимиз қуруқ шпор бўлиб қолиб кетиши мумкин. Шу босидан илҳом борича, мажбубозликларни камайтириб, унинг ўрнига қабул қилинаётган қарорларнинг ижроси қандай бажарилаётганлиги билан қизиқсак, кенг миқёсда ҳалқ назоратини ўрнатсак, жамоатчиликнинг қияматли таклиф ва истақларига эътибор берсак, айниқ мудоао бўлади.

Ж. ХОЛБОВЕВ,
меҳнат ветерани.



★ ЎЗБЕКИСТОН ССР
Фанлар академиясининг Химия институтининг илмий ходимлари КПСС Марказий Комитетининг Тезисларини қизгин муҳокама қилмоқдалар. Аспирант М. Раҳма-

туллаева ҳаммасларни билан бу муҳим партиявий ҳужжат ҳақида фикр алмашмоқда.

Н. Муҳаммаджонов
фотоси.



Февраль ойининг охириг кунлари эди. Баҳор эндигина эшик қоқиб келаётган бир пайт. Хали замон олам яшил либосга бурканиб, борлиқни кўклам тулларининг муаттар ислари қоплаб кетиши лозим. Аммо, кўнра дунёнинг яна бир бор ишараётганини, табиатнинг уйқудан бош кўтариб, ўзига оро беришини кузатиш, ундан завқланиш Дилларага насиб этмади. Эндигина ўзининг ўттизинчи баҳорини қаршилаётган бу ёш аёл, ўз уйида, икки боласи кўз ўнгидан баттол қотил томонидан шафқатсизларча чавақланди.

Волида меҳрига тўйиб улгурмаган икки ярим ёшли Дилмурод ва эндигина тўрт ойлик бўлган Дилноза шу кунни бир умрга оналаридан айрилиб қолдилар. Жиноят содир этилаётган пайтда уларнинг шу ерда эканлиги ҳам, ҳеч нарсасига тушуна олмади, қўқувдан жовдираб, йиғлаб турганлари ҳам қотили тўхта олмади.

Бутун умрини жиноятчиларга қарши курашга, қишлоқларнинг оқошталлигини сақлашга бағишлаган, миллиончи ходими Тўйчи Алиев шу кунни севикли рафиқаси — Дилларанинг ақиндагина «дўстинман» деб, кўрагига уриб юрган, номард ўртоғи томонидан ўта ёвузлик билан пичоқланганини хаёлига келтирганимиди?

Баҳор арафасида юз берган бу жиноят пойтахтдаги Чилонзор районини ларзага келтирди. 16-кварталдаги 11-уйнинг 81-квартирасида бўлиб ўтган фожианинг асосий сабабчиси ким? Наҳотки, оналик сuti тўла сийнага пичоқ ураётганда, унинг кўллари қалтирамади? Наҳотки, даҳшатдан титраётган гўдаклар нигоҳи уни тўхтаб қололмади? Наҳотки, дўсти уйда турганини, бу қабиҳ ишдан сўнг одамлар юзига энди тик қарай олмастлигини унутди? Жиноят тарихи билан танишарканмиз бундай саволлар ич этимизни кемиртаверди. Хўш, қотил ўзи ким?

СУД СПРАВКАСИ

Иноғомов Икром Саидганиевич, 1957 йилда, Тошкент области Калинин район, Свердлов қишлоқ советида туғилган, ўзбек, ўрта маълумотли, партияси, уйланган, аммо ҳозир олмас билан яшайди, қамалгунга қадар вақтинча ишлаган, муқаддам 1985 йил 7 майда Тошкент шаҳар Октябрь район халқ судининг ҳукми билан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 204-модда 2-қисми билан

айбланиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Косон район халқ судининг 1986 йил 4 декабрдаги ақриғига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 50-моддасига кўра муддатидан 1 йил 2 ой 22 кун илгари шартли равишда озод қилинган. Тошкент области Калинин район Свердлов қишлоқ Советидаги А. Ортиқов кўчаси 98-уйда истиқомат қилиб келган.

Икром безорилиги учун берилган жазони муддатидан илгари ўтаб, уйга қайтиб келгач, меҳнатга бўйни ёр бермади. Онаси ва акаси Саидвалининг «ишга кир, бе-кор юрма» деб берган маслаҳатларига қўлоқ осмади. «Ишга кириш қочиб кетмас, бир-икки ой ўйнаб-қулиб олай», — деди у ўзинча ва онасидан, акасидан пул олиб кунини таралла-бедодлик билан ўтказаверди.

Бир кун у мактабдош дўстларини уйига чақириб меҳмон қилмоқчи бўлди. Зиёфат харажатлари акасининг бўйнига тушди. Дахтурхон тузалди. Меҳмонлар ҳам келишди. Улар орасида Икром билан 9 йил бир синфда ўқиган Тўйчи ҳам бор эди. Гап-гапта қовушиб, ҳамма суҳбат билан овоза бўлиб ўтирганида, Икром Тўйчининг бир четга тортиди.

— Энди, дўстим, ўзингдан қолар гап йўқ, — деди у, — Қамондан келиб, ҳозирча бир ишнинг бошини тутмадим. Юрган йиғитимиз, кўчага чиққим келади, қолаверса, уйда келди-кетди бўлиб турибди. Чўнтакда эса бир тийин йўқ. Бирор икки юз сўм қарз бериб турсанг, дедим. Кейнчалик, албатта, узилишиб кетамиз.

Тўйчи бунга жавобан ёнида пули йўқлигини айтиди, кейин яна ўзи хижолат чекди. Дўстин қийинчиликлари қолдириш яхшимикан? У Икромга ўзининг Чилонзордаги уйи адресини тушунтирди.

— Шаҳарга тушганда кийиб тур,— деди Тўйчи,— кўлдан келганча қарашиб тураман.

14 февраль кунини бўлиб ўтган бу суҳбат орадан 11 кун ўтгач хотинининг ваҳишона ўлдирлишига сабаб бўлишини билганида, Тўйчи Икромни уйига таклиф этмаган бўларди...

Мудҳиш фожаия юз бергунга қадар Алиевлар хонадонига Икром икки марта келди. Иккинчи бор келишда, Тўйчи уйда йўқ эди. Шунинг учун, суҳбат ҳам қисқа бўлди. Икром Дилларага ўзи

билан олиб келган зиракни берди-ю, шундай деди:

— Бу — онаминг тилла зирағи. Пулга муҳтожлигим сабабли уни сотмоқчиман. Қўшнилардан бирортасига сотиб берсангиз...

Дилара зиракни олиб қолди.

Орадан тўрт кун ўтгач, Икром яна Тошкентга отланди. Эски шаҳарга тушиб, тўйиб пиво ичди. Ширакайф ҳолда, соат 17 ларда Алиевлар уйи томон йўл олди. Эшпини яна Дилара очди. Тўйчи ишда эди. Ёш аёл

ларга ўқталди, унинг ечинини талаб қилди. Аммо, аёл қаршилиқ кўрсатишда давом этаверди. Икромнинг кўзлари ваҳишона ёнди... аёл танасига биринчи зарбани урди. Пичоқнинг ялтироқ тиги қон-қора қонга бўялди. Энди Икром бутунлай кутурган, йиртиқчини сингари совуқ йилтиллаётган кўзлари фақат қонга ташна эди. У 2,5 ёшлик гўдак Дилмуроднинг кўз ўнгидан хонадон соҳибасини раҳмсизлик билан қийнаб ўлдирди.

Суд медицина экспертизининг ақт-хулосасида Дилара Алиеванинг баданига ҳаммаси бўлиб 201 та тан жароҳати етказилди, унинг ўлими юрак, унка, буйрак, жигар, қон томирлари ва бошқа жойларига кесувчан ўткир пичоқ билан урилган жароҳатлар натижасида юз берганлиги қайд этилган.

Икром Дилларани ўлдиргач, қон сачраган қиймиларини ечиб ташлаб, ваннада қонли кўллариин арта бошлади. Айнан шу пайтда эшикдан Дилларанинг эри — Тўйчи кириб келди.

Тўйчи аввал қон доғларини артиб турган Икромни кўриб, «дўстим Тошкентга келиб, биров билан муштлашибди-ю, энди бизни уйда ўзини тартибга келтирайпти, шекилли» деган хаёлга борди ва «нима бўлди, тинчликми?» деб сўраганча ошхона томонга юрди. Аммо, бу ерда полда қонга беланиб ётган хотинини кўриб, гарангсиз қолди ва беихтиёр унинг устига ёнғашди. Шу пайт Тўйчининг ортидан келган Икром, ўнг қўли билан унинг оғзи-бурнини тўсиб, чап қўли билан томонидан бўға бошлади. Лекин, Тўйчи вақтида ўзини ўнгга олди-ю, тирсағи билан рафиқига қучли зарба берди.

Шундан сўнг Икром уйдан қочиб қолмишга улгурди. Уни ушлашга уринган Тўйчи дастлаб полда синиб ётган ёғ ишпадан тўнқилган ёғга тўйиб кетди, кейин эса ҳамма ёқларига қон сачраган, йиғлайвериб ишиб кетган, холдан тойдан болаларини кўрди-ю, фикри ўзгарди. Дарҳол воқеа ҳақида қўшниларга, тез ёрдам станциясига ва милицияга хабар қилди. Болаларини биринчи қаватдаги қўшнилариникига олиб тушиб қараб туришни илтимос қилди. Зудлик билан етиб келган оператив гуруҳ, искович ит ёрдамида қотилини топиб, қўлга олди.

Тергов ва суд жараёнида Икром Иноғомов ўз айбига қисман иқдор бўлиб, қўлгана нарсаларни инкор этишга уринди.

Лекин текширишда аниқланган ҳолатлар марҳума Д. Алиева ўлими олдида қотил Иноғомов билан олишиб, унга қучи етгунча қаршилиқ кўрсатиб қочганлиги ва Иноғомов уни қувлаб юриб бир неча жойда унинг баданига саноксиз пичоқ уриб, қийнаб ўлдирганлигини далил беради.

Бундан ташқари суд медицина экспертизасининг хулосасига қараганда марҳума Д. Алиеванинг нафт ва панажарли пичоқ билан қирқилган бўлиб, бу ҳолат ҳам унинг қотил чағалидан қутулиш мақсадида пичоққа ёпишганини билдиради.

Икром Иноғомовнинг марҳума Дилара Алиева унинг олдида яланғоч ҳолатда устига битта халат ёпишиб келган эди деган вақилари ҳам физико-техникавий экспертиза хулосаси билан рад этилди. Судмедэкспертлардан Э. В. Дрокин ва О. Гориналар ҳам Алиевага етказилган тан жароҳатларини унинг қийми устидан пичоқ билан урилганини тасдиқлашди. Экспертлар, шунингдек, Иноғомовнинг юзидagi ва баданидаги тирналган жароҳатлар тирноқ изларидан олинган бўлиб, марҳума Алиева у билан олишув пайтида юз ва баданларини тирнаб олиши мумкинлигини тасдиқлашди.

Иноғомов суд пайтида вақти-вақти билан қилган харақатига жавоб бера олмай қолишганини вақт қилса-да, унинг бу баҳоналари асоссиз бўлиб чиқди. И. Иноғомовнинг соғлигини текшириш мақсадида амбулатория ва стационар тартибда суд психиатрия экспертизаси ўтказилганда буткул соғлом деб топилиди. У рўқач қилган авария жароҳати юзасидан касаллик тарихи билан таънишганда ҳам, бу жароҳат унинг саломатлигига мутлақо таъсир этмагани аниқланди.

Бундан ташқари, судлау-вчининг суд пайтида ўзини тутиши, жабрланувчи, гувоҳлар ва экспертларга ўз манфаатини кўлаб берган саволлари ҳам тарозига солиб қўрилганда унинг соғлиғига шубҳа қолмайди. Хуллас, жиноятчининг ўз айбини енгилаштириш учун кўрсатган ҳамма важ-корсонлари пучга чиқди.

Шу йил 25 апрель кунини Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси, Тошкент шаҳар судининг аъзоси З. Насриддинов раислигида, халқ маслаҳатчиларидан М. Шермухамедова ва Н. Мирзаевлардан иборат составда ўтказилган очиқ суд мажлиси Иноғомов Икром Саидганиевични олий жазога ҳукм қилди.

Бир қарашда адолат қарор топгандек кўринади. Ҳақиқат тикланди, жиноятчи ўлим жазосини олди. Аммо, икки норасидаги уларнинг онасини, она бошлғига суякли рафиқасини, кенса волидага меҳрибон қизини ким қайтариб беради? Уларнинг қалби бир умрга кемтик бўлиб қолди...

Шаҳар бўйлаб яна баҳор тароватини оидмалади. Таниш чехраларда қуёшли фасл жилваси, Улар орасида фақат Дилларанинг табассуми кўринмайди, холос.

Р. ИБРОХИМОВ,
У. АБДУШОХИДОВ.



Бир жиноят изидан

Икромнинг бир оз «татиниб» келганини кўриб, чўчиди-ю, сир бой бермади. Сотил учун қолдирилган зиракни олиб чиқиб, уни қўшнилардан ҳеч ким харид қилмаганини тушунтириб, эгасига қайтиб бермоқчи бўлди. Шу онда Дилара унинг кўзига жузда гўзал бўлиб кўриниб кетди, ёки бошқа бирор сабабданми ҳар қалай Икромнинг нияти бузилди.

Воқеанинг бундай тус олишини кутмаган Дилара ўзи томон босиб келаётган Икромнинг итариб юбориб дадил қаршилиқ кўрсатди. Бу Икромни кутуртириб юборди. У аввал аёл юзига тарсақни туширди, сўнг чўнтагидан сувенир пичогини олиб, Ди-

лажалар қилинган.

Бўйида зарур дори-дармонлар бўлган. Врач И. Лумановнинг беморнинг ота-онасидан цефалмизин дорисини сўрагани тўғрисидаги факт асоссиз.

Терапия ёрдами кўрсатишга қарамай боланинг аҳоли тобора оғирлашаверган. Ота-оналар болани Тошкентдаги касалхонага ўтказишни талаб қилганлар. Беморни шу аҳолида ҳеч қаерга қимиллатиб бўлмасди. Врачлар И. Луманов ва С. Ибрагимовлар беморнинг қариндошлари билан бирнеча марта тушунтириш суҳбатлари ўтказганлар, бироқ уларни ишонтириб бўлмаган. 5 ноябрь кунини ота-оналар тилхат билан беморни касалхонадан олиб, 1 соат давомида Тошкентга

келтиришган. Врачлар оғир беморни ота-онага бериб катта хатога йўл қўйганлар.

Мазкур воқеа Янгийўл район марказий касалхонасида муҳомада қилинган. 1988 йил 14 марта қўрилган 42-буйруқ билан йўл қўйган хатолари учун врачлар В. З. Катундасе, С. С. Ибрагимов, И. Луманов ва фельдшер С. Саторовларга маъмурий жазо берилди.

Мақола области педиатрия Советида кўриб чиқилди. Област соғлиқни сақлаш бўлими болаларга малакали медицина хизмат кўрсатиш ва келгусида бундай воқеаларга йўл қўймаслик учун барча тадбирларни қўллашди, дейилди жавоб сўғида.



«ЭНГ ОҒИР МУСИБАТ»

ОБЛАСТ соғлиқни сақлаш бўлими комиссияси 7 ойлик Жамшид Қорабоевнинг ўлими сабаби, шунингдек, мақолада келтирилган бошқа фактлар юзасидан текшириш ўтказди, дейилди бўлим бошлигининг

ўринбосари А. Андришченконинг редакцияга йўлаган жавобида. Текширишда шу нисбат аниқландики, 1987 йилнинг 16 мартда туғилган Жамшид Қорабоев 2 ойлигидан бошлаб беш марта шамоллаган, шундан икки марта касалхонада даволанган. Кўп касал бўлиши оқибатида гўдак секинлик билан ўсиб-ривожланган. Узоқ ва сурункали касал бўлганидан, шунингдек анемия (қан қонлиқлигидан) диспансер ҳисобига олинган.

Касаллик йўтал, бурун оқши, ҳарорати кўтарилгани билан бошланган. Ота-оналар медицина ёрдами сўраб бормоганлар. 7 кун давомида ку-

нига икки маҳалдан пенициллин билан даволанган. Бу камлик қилган, натоқанда бола оғир аҳволда икки томонлама бронхоневмоник билан район марказий касалхонасининг болалар бўлимига келтирилган. Бемор болага шу заҳотиёқ зарур аналгезлар топишриб белгиланди. Бирон, даволовчи врач В. З. Катундасе ва бўлим мудири С. С. Ибрагимовлар боланинг аҳолининг етарлича баҳоламай, унга алоҳида назорат тайинламадилар ва у ўз вақтида интенсив терапия палатасига ўтказилмади.

Бемор интенсив терапия палатасига ўтказилгач, врач И. Луманов томонидан зарур муо-



«Оналар учун» ярмаркаси

Тошкентда биринчи марта «Оналар учун» ярмаркаси бўлди. Болага тор келиб қолган тузуқкина кийим-кечак ҳар бир оилда ҳам оз эмас. Оналар, мана шунақа кўйлак, курткаларни ўзлари сотдилар. Ярмаркани «Ташкомиссноторг» ташкил қилди. Сотувчилар ва харидорлар мол нархини ўзaro келишиб белгиладилар. Ярмарка ҳаммага фойдали бўлиб чиқди. Болаларнинг минглаб яхши кийим-кечаклари гўдакларга ҳали анча хизмат қилади.

(ЎзТАГ).

• АКС САДО •

ТАЪСИР КУЧАЙТИРИЛСА

М. Улуғованинг «Сиз нима дейсиз, опа-сингиллар?» (Тошкент ҳақиқати) 1988 йил 7 май) сарлавҳали мақоласини қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Унда бир ота-онадан дунёга келган опа-сингилларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида жуда яхши фикрлар баён этилган. Ҳақиқатан ҳам шундай жигаргўшалар борки, уларга қараб ҳавасинг келади, дилинг яйрайди.

Мен ана шундай бир оилани биламан. Тошкентдаги Усмоновлар оиласида тўрт қиз — Соҳида, Робия, Рोजия ва кенжатоилари Розиялар воғая етишти. Қизлар турмушга чиқибди. Онақонларини Роҳиля ая доимо қизларини ахилликча, меҳр-оқибатли бўлишга даъват этарди. Гоҳида: «Мендан кейин катта опангиз Соҳидани она ўрнида кўринглар, болаларим. Бирон бир маслаҳатли ишларингиз бўлса, у сизларга бош-қош бўлса, ҳар ҳолда каттагиз, яхши бўлади. Унинг сўзидан чиқманглар», деб тайинлаб турардилар.

Қизлар шунга амал қилишди. Бу билан улар ўрта-сидаги оқибат ортди, бир-бирларига меҳрибонлиги беҳудад бўлди. Улардан бир хунтаси бетоб бўлиб қолса

дарҳол хабар олишади, яхши кунларда бош-қош, бошларига мусибат тушганда ҳам, дард, ҳамнишин. Ўз навбатида ҳар бирининг фарзандлари холажонларига парвона. Ўтказгани жой топишолмайд.

Ҳаётда бунинг аксини ҳам кўриш мумкин. Ешлтигидан талашиб-тортишиб катта бўлган опа-сингиллар ўртасидан меҳр-оқибат кўтарилаётганлигини кўриб, юрагим ачишиб кетади. Нега шундай? Мана бир мисол. Қўшнимиз Сафурра келинони оғир бетобликдан сўнг оламдан ўтдилар. Беш қизни ўйлаб ота ҳам қайта уйланмади. Сингилларининг ош-овқатию, кир-чир, боғчасию, мактабдаги ўқиш ташвишлари 7-синф ўқувчиси Дилдоранинг елкасига тушди. Валогатта етгач Дилдорани кут. Ёнга узатишди. Ҳозир унинг учта фарзанди бор. Аммо ҳамон тиниб-тинчимас Дилдорани сингилларининг тақдирини қийнайди. Ота уйига келганида сингилларини тартибга, озодагарчиликка чақиради. Ўзаро ахил бўлишга ундайди. Қизларга иш ўргатишга ҳаракат қилади. Аммо опа мурувватига, унинг меҳнати қадрига етмаган сингиллар опаларини нечундир мен-

сишмайди, писанд қилишмайди. Баъзида шундай ҳам бўладики, иш жеркиш, аччиқ гап-сўз, бақириб-чақиритишга-ча бориб етади.

— Ҳар келганимда: баранка топгулар, онам қандай озода, саранжом-сариташ аёл эдилар, маҳаллада ҳамма ҳавас қилар эди, нега бизлар оймиларга ўхшамаямиз, — деб сингилларимга насиҳат қиламан, — дейди у. — Лекин улар гапимни ўзларига олишмайди. Айниқса, «Сиз ўзингизни билинг, кўпам бизга ҳўжайинчилик қилаверманг!» дейишганда жигар-бағримдан ўтиб кетади. Оқибатимиз йўқолаётганидан ранжийман...

Сингилларининг бу беодобликларини Дилдоранига жуда оғир ботади. У гоҳо кўз ёши ҳам қилиб олади. Аммо наҳора. Вечора она жигаргўшаларини яхши бўлишини, нима бўлса ҳам келажақда улар тиниб-тинчиб кетишларини истайди. Аммо сингиллар... Ҳур сингиллари тушмагур тушунтирмайди.

Яна бир фикр. Ўша тиниб билмас Дилдорани ёлғизлатиб қўймак. Меҳр-оқибати йўқ, бетгачопар қизларга қўни-қўшинлар, маҳалла активлари, айниқса, хотин-қизлар Совети аъзолари, қолаверса, қариндош-уруғлар панд-насихат қилсалар, таъсир ўтказсалар, тушунтириш ишлари олиб борсалар опа-сингиллар ўртасидан тотувлиқ барқ уриб кетса, ажаб эмас!

У. МАНСУРОВА.

УЗУМЗОРДА КҮНИК БОР

ҒАЛАБА байрами кунини Паркент тоғлари этакларидаги кўм-кўк адирлар бағрига сайру-саёхатга чиқдик. Биз тошкентликлар учун соф ҳаводан баҳра олиш, яшилликлар бағрида боладек яйрашдан ортқ қандай севинч бор?

Чор атроф худди шоир Ҳамид Олимжон куйлаганидек, кўм-кўк. Қия адирликларда яшнаб турган узумзорлар уфққа тутади. Ишқомларга худди қизларнинг қирқ кокиликдек таралган узумларнинг бағрлари офтобда ялтиради. Табиат сеҳри ва инсон қўллари не-не мўъжизаларга қодир-а?

Ўйлайман, эҳ-ҳе, мана шу ерларга халқимнинг қанчадан-қанча риз-рўзи сочилиб. Уларни меҳнатқаш қўллар парваришлаб, териб дастурхонимизга тортиқ етатдилар.

Шундоқ тош йўл ёқасидаги ишқомларни қатор-қатор кўм-кўк узумзор ёнидан ўтиб борар эканмиз, боғ оралаб юрган бир аёлга кўзим тушди.

Қишлоқ аёллари билан сўхбат-қуришни севаман. Улар содда, мулоим, айни вақтда нийонгдасамимий бўладилар.

Пўлим узумзорга қайрилди. Ёши қирқларга борган, ўрта бўйли, қизил мағиз юзидан нур томган, кўзлари содда боқувчи бу аёл Инобатхон Давирова экан. У Паркент районидagi «Прогресс» совхозининг 2-бўлими ишчиси.

Инобат ҳомтоқ қилишдан тўхтаб, мента пешвоз юрди. — Хорманг! — дейман у билан қуришиб, — ҳа, бу байрам куниям ишлайвераркансиз-да-а?

Аёл кулиб жавоб беради. — Эртага ҳомтоқни тутасан — байрам-да, айланай. Ўз вақтда ҳомтоқ қилинса — ҳосил мўл бўлади. Ана, уйим яқин, — у кўчининг нариги юзидидаги кўн дарвозани кўрсатди. Истаган вақтда ишлаб истаган вақтда дам олавераман. Фақат парваришини кеңитирмасан бўлди. Ниятим — мўл ҳосил етиштириш. Сиз шаҳарликлар дастурхонига ўз вақтда жўната олсан — марра бизники.

— Қанча узум топира-сиз? — Мента 2 гектар узум боғи ажратиб берилган. Шу янги ўғил-қизларим ёрдамида, яхши оилавий пудрат асосида парваришлаб, ўттиз тонна узум етиштиришга аҳд қилганман. Плян 21 тонна. Қасал туширмай ўз вақтда

сугориб, ўз вақтда қараб турсан — ҳосил яхши бўлади. Боғ оралаб, қўшиқ айтиб ишлашинг, кейин сават-сават мева териб олишинг гашига не етсин. Болаларим мактабдан келгач, овқатлаиб, дарс тайёрлаб, кейин менга қарашадилар. Ҳар ҳолда иш жойимнинг уйга яқинлиги жуда яхши-да.

Инобат Давирова 25 йилдан бери шу боғларда меҳнат қилади. Ғайрат билан, миришкор боғбонлардек тер тўқади. У меҳнати, камтарлиги билан эл назарига тушди. 1971 йили VIII қақриқ ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайланган. Ўша йиллари шу кунда халққа беҳимнат хизмат қилган ҳаммом, клуб, почта, болалар боғчаси, бир қанча турар-жой қўрилди.

Ҳа, Инобатхон халқнинг нақзини адо этишда алоҳида фидойилик қилди. Унинг ўшанда ғайрати ичига сиғмай ишлаб юрган кезлари фарзандлари ҳам ёш эди. Ҳаммасига улгурди. Етти нафар ўғил-қизга она бўлди. Мана ҳозир икки қиз узатди. Катта ўғли Рустамжон Афғонистонда йигитлик бурчини ўтаб, раҳматномалар билан қайтди. Энди район маиший хизмат уйда шофер бўлиб ишлайпти.

— Фақат шу маошимиз кам-да, — дейди Инобат. — Қачон биз ҳам бундай дурустроқ маош оламиз. Иккинчидан, биз териб топираган узумни тайёрлов идоралари халқ дастурхонига ўз вақтда сифатли қилиб етказиб берадилар. Натияжада харидор бозорга бориб қиммат бўлса ҳам таллаб олиб ейишга мажбур бўлади. Учинчидан эса болалар боғчалари етишмайди. Қачонга-ча шу аҳвол давом этади. Ахир болалар учун гамхўрлик кеңитириб бўлмайдиган масала-ку!

Инобат ва Аноровой Давирова оиласи иноқ-ахил яшайдилар, дейишди ҳам қишлоқлари. Ҳовли олма, қўшни ол, деганларидек қўшниса Сафурра Ҳолназарова ҳам Инобатхонни дилидан бол томиб мактайдди. «Шундоқ чиройли нонлар ёпади, шундоқ чиройли қатиқ уви-тади. Меҳр-оқибатли».

Қишлоқ йўлида давом этаман. Инобат Давирова кани қанча-қанча бугдойдек беғубор дуговаларини учратаман. Шаҳарлик аёллар бахтига шундай аёллар, шундай кең боғлар омон бўлсин. Боғларимиздан аёл қўшиғи, аёл қадами аримасин.

Санъат МАҲМУДОВА.

СОЧ ҲАМ КАЙФИЯТНИ ЯХШИЛАЙДИ

СОЧ ҳам ҳусн. Уни тўғри парваришлаш ва ўзига муносиб турмаклашни ҳар бир хотин-қиз истайди. Бунда сартошхоналарнинг роли каттадир. Роза опа Рашидова мана ўн икки йилдирки шу касбни ардоқлаб келади. У айни пайтда Тошкент шаҳар С. Раҳимов район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатида хизмат қилади.

Роза опанинг ҳузурига ҳар кунни ўнлаб хотин-қизларимиз ташриф буюришади. Ундан сочларини қандай тартибда турмаклаш, безаш ҳақида маслаҳатлар оладилар.

— Баъзан сочлари узун ва қалин қизларимиз ҳам келишади. Улар сочимни кесиб, калта қилиб қўйинг, деб илтимос қилишади. Шунда уларга маслаҳат бераман. Ўзига ярашадиган соч турмаклашни ўргатиб қўяман, — дейди Роза опа. — Маслаҳатимга кўп-лари амал қилишади, сочларини кесмай, чиройли турмаклаб юришади. Баъзан сочлари калта ва сийрак қизларимизни сочларини кесиб ўзларига ярашадиган причёска ясайман. Врачларнинг айитишга қараганда сочининг ҳам аёллар асабига таъсири бор экан. Агарда аёлга сочларининг турмакланиши ёки причёскаси ёқса, кайфияти яхши бўлиб юрармиш...

Р. ЖУНАЙДУЛЛАЕВА.

АННА, ЖАННА ВА
МАРИАННА

★ БУНДАН тўрт йил аввал Ғазалкентдаги М. В. Ломоносов номи ўрта мактабининг жисмоний тарбия ўқитувчиси Анна Александровна билан Чимкент суғ экспедицияси ишчиси Леонид Иванович Горднёнковлар оиласида уч эгизан — уч қизалоқ туғилган эди. Эгизакларнинг ўзларидан катта опалари — Нонна ва Инна эса мактабда ўқийдилар. Улар дарсдан бўш вақтларида уй ишларига ҳамда жамжи сингилчаларини боқибга ёрдамлашмайдилар.

Яқинда эгизакларнинг туғилган кунини оила даърасида тантанали ишонланди. Халқ депутатлари Ғазалкент шаҳар Совети ижроия комитети томонидан уларга иккита икки хонали квартира берилди. СУРАТДА: бахтиёр эгизаклар — Анна, Жанна ва Марианналар опалари билан.

Г. ПУН фотоси. [ЎзТАГ].

ЁДИНГИЗДА БЎЛСИН

★ Ёғ ва маргаринини яхши яшида сақланг. Ёруғлик таъсири остида тиниқ идишдаги мой ва маргарин қуюқла-

шиб, юқори қисми оқаринқираб, ҳидланиб қолади.

★ Иссиқ кунларда ёғ идишини тузли сувга

бўқтириб олинган салфетка билан ўраб қўйсангиз, мой эриб кетмайди.

★ Пишлоқни қуриб қолишдан сақламоқчи бўлсангиз, тарелкадаги пишлоқ ёнига бир чақмоқ қанд солинг, ус-

тини эса тарелка билан ёпиб қўйинг. Бир ҳафтагача пишлогингиз янгидек дирқаллаб туради.

★ Сут идиши аввал совуқ сувда, кейин эса илқ сувда ювилса, анча осон бўлади.

★ Тухум аралаштириб хамир қорилган идишнинг ҳам совуқ сувда, сўнгра нисқ сувда ювиш керак.

★ Пўсти ёрилган тухумни тузли сувда пиширсангиз, ичидидаги оқиб кетмайди.

★ Холодильникда сақланган тухум пиширалаётганда ёрилиб кетади. Бунинг олдин олиш учун сувга бир ош қошиқча туз солисангиз, пўсти ёриладикун, лекин оқи ва сарниги оқиб кетмайди.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

Душанба,

6 июнь

♦ МТ-I

7.00 «120 минут». 9.05 Футбол шарҳи. 9.35 Борис Годунов. Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 12.10 Мультфильм. 16.00 Янгилар. 16.10 Қайта куриш прожектори. 16.20 Объявляем — Швеция. 16.40 Тарих саҳифалари. 17.15 Замондошимиз портрети. 18.05 Мультфильм. 19.00 Рассом устонасида. 19.15 Футбол шарҳи. 19.45 Бутунитифок XIX партия конференцияси олдидан. 20.15 Иван. Фильм-спектакль. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Фильм-спектакльнинг давоми. 23.50 Дунё воқеалари. 24.00 Музикали ҳазина.

♦ МТ-II

9.00 Гимнастика. 9.20 Рус тили. 9.50 Мультфильм. 10.20 Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар. 11.20 Илмий-оммабоп фильмлар. 12.00 Фильм-концерт. 12.30 Хужжатли фильм. 13.00 Болалар учун фильм. 14.05 Янгилар. 14.15 Баҳорги чакрик. Бадий фильм. 15.45 «Теннис. Финал. Франциянинг очик чемпионати. 18.35 Янгилар. 18.45 Совет Иттифоқига хизмат қилган. 19.45 Халқроқ панорама. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Реклама. 20.50 Халқ куйлари. 21.00 Теннис. Давоми. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Таллинда модалар кунлари. 23.10 Янгилар. 23.15 Тонгги почта.

♦ УэТВ

15.00 Болалар учун фильм. 16.45 «Абитуриент-88». 17.20 Мультфильм. 17.30 Болалар учун «Бойчака». 18.00 Янгилар. 18.10 «Қизикувчилар экранга». 18.40 Фильм-концерт. 18.50 В. В. Куйбишев тузилган куннинг 100 йиллигига. Революция ваколати билан. Бадий фильм. 20.00 «Ахборот». 20.15 Долзарб вазифа. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Ижодий урарушлар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА

19.35 Фильм-концерт. 20.05 Пушкинхонлиқ. 21.00 Замондошимиз. 21.30 ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ.

Сешанба,

7 июнь

♦ МТ-I

7.00 «120 минут». 9.05 Иван. Фильм-спектакль. 12.05 Мўжизасиз мўжизалар. 16.00 Янгилар. 16.10 Қайта куриш прожектори. 16.20 Бурятия телевиденисининг программаси. 17.10 Концерт. 17.40 Рус маданияти сарнамаларида. 19.15 Дунё воқеалари. 19.35 Танишнинг: Бутунитифок XIX партия конференцияси делегатлари. 20.20 Замондош. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Хужжатли фильм. 23.45 Дунё воқеалари. 23.55 Шерият лаҳзалари. 00.05 Телевизион хужжатли фильм.

♦ МТ-II

9.00 Гимнастика. 9.20 Концерт. 9.40 Француз тили. 10.10 Илмий-оммабоп фильмлар. 10.50 Француз тили. 11.20 Бернарда Альбаннинг уйи. Телевизион бадий фильм. 12.50 Хужжатли фильмлар. 13.30 Болалар учун фильм. 14.35 Янгилар. 14.45 Такоррий телефильмлар кундузги сеанси. Каростояновлар. Тўрт серияли телевизион ба-

дий фильм. 1-серия. 18.35 Янгилар. 18.45 ...16 ышгача ва ундан катталар. 19.30 Киноафиша. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Ритмик гимнастика. 21.15 Теннис сабоқлари. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Концерт. 00.15 Янгилар.

♦ УэТВ

15.00 Телефильм. 15.10 Унутилмас сатрлар. Оғахий лирикаси. 16.35 «Абитуриент-88». 17.10 Хужжатли фильм. 17.30 Рус тили — барчага. 18.00 Янгилар. 18.15 Сузиз бўйча халқроқ мусобақалар. 18.45 Революция ваколати билан. Бадий фильм. 2-серия. 20.00 «Ахборот». 20.20 КПСС Марказий Комитетининг Бутунитифок XIX партия конференциясига Тезисларини муҳокама қиламиз. 20.30 «Ахборот». 20.50 Лирик концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Ешлик.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА

19.30 Марияга аталган олимпослар. Бадий фильм. 20.45 Ичкиликбозликка ўт очамиз. 21.30 ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

Чоршанба,

8 июнь

♦ МТ-I

7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильм. 10.00 Саҳнатчилар клуби. 11.00 Янгилар. 11.10 Қадимий Русь. Бадий фильм. 1-серия. 16.00 Янгилар. 16.10 Қайта куриш прожектори. 16.20 Концерт. 16.35 Югрийш хаваскорлари клуби ҳақида кўрсатув. 16.55 Магадан телевидение студиясининг программаси. 17.55 Салом, музика. 18.40 Қадимий рус живописи ҳақида. 19.05 Дунё воқеалари. 19.25 Бутунитифок XIX партия конференцияси олдидан. 20.10 Қадимий Русь. Бадий фильм. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 КПСС Киров область комитетининг биринчи секретари С. А. Осминининг ёшлар билан ураруви. 23.30 Дунё воқеалари. 23.40 Шоу! Йўқ, контакт.

♦ МТ-II

9.00 Гимнастика. 9.20 Чашмалик. 9.50 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 9.55 Немис тили. 10.25 Илмий-оммабоп фильм. 11.05 Немис тили. 11.35 Хужжатли фильмлар. 12.25 Мультфильмлар. 12.55 Поэзия. 13.30 Болалар учун фильм. 14.35 Янгилар. 14.45 Такоррий телефильмлар кундузги сеанси. 18.25 Янгилар. 18.35 Кишлоқ янгилари. 19.35 Йирик планда. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Музикали киоск. 21.15 Теннис сабоқлари. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Хужжатли фильм. 23.50 Янгилар.

♦ УэТВ

15.00 Бўри галаси. Бадий фильм. 16.30 «Абитуриент-88». 17.05 Пионерлар мамлакатиди. 17.50 Янгилар. 18.00 Бутунитифок XIX партия конференцияси олдидан. 18.20 Революция ваколати билан. Бадий фильм. 3-серия. 19.45 «Ахборот». 20.00 Футбол бўйча СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Динамо» (Бутуми). 20.50 «Ахборот». 21.10 Дутор тароналари. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Чўлдаги таъкиб. Бадий фильм. 23.45 Бугун оламда нима гап! 24.00 Янгилар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА

19.35 Дарё орти чегара.

Бадий фильм. 21.00 Шаҳар таъшишлари ва муаммолари. 21.30 ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ.

Пайшанба,

9 июнь

♦ МТ-I

7.00 «120 минут». 9.05 Нега ва нима учун! 9.35 Қадимий Русь. Бадий фильм. 1- ва 2-сериялар. 12.10 КПСС Киров область комитетининг биринчи секретари С. А. Осминининг ёшлар билан ураруви. 16.00 Янгилар. 16.10 Қайта куриш прожектори. 16.20 Киночерк. 16.40 Спорт ва шахс. 17.10 Бутунитифок XIX партия конференцияси олдидан. 17.40 Ижод саҳифалари. 18.25 ... 16 ышгача ва ундан катталар. 19.10 Дунё воқеалари. 19.20 Мультфильм. 19.40 Бутунитифок XIX партия конференцияси олдидан. 20.25 «Қадимий Русь». Бадий фильм. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Юганн Златостунинг литургияси. 23.30 Хужжатли фильм. 23.55 «Нигон».

♦ МТ-II

9.00 Гимнастика. 9.20 Халқ куйлари. 9.50 Испан тили. 10.20 Илмий-оммабоп фильмлар. 11.00 Испан тили. 11.30 Усмилар учун музикали кўрсатув. 13.45 Болалар учун фильм. 14.50 Янгилар. 15.00 Такоррий телефильмлар кундузги сеанси. 18.30 Янгилар. 18.40 Концерт. 19.30 Саҳнатчилар клуби. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Ритмик гимнастика. 21.15 Теннис сабоқлари. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Футбол. Бадий фильм. 23.50 Янгилар.

♦ УэТВ

16.00 Уддабурон Беренде-ев. Бадий фильм. 17.05 «Абитуриент-88». 17.40 Телефильм. 17.50 Янгилар. 18.00 «Кичик академия» аъзолари — мактаб ўқувчиларининг Ўзбекистон ССР Фанлар академияси олимлари билан ураруви. 18.45 Агростанот, тажриба ва муаммолар. 19.15 Садокат. 20.00 «Ахборот». 20.15 КПСС Марказий Комитетининг Бутунитифок XIX партия конференциясига Тезисларини муҳокама қиламиз. 20.30 «Ахборот». 20.50 Совет Ўзбекистони композиторлари. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 «Ешлик».

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА

19.40 Тиманичининг дўсти. Бадий фильм. 20.50 Реклама. 21.00 Енгидан эҳтиёт бўлинг! 21.30 ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

Жума,

10 июнь

♦ МТ-I

7.00 «120 минут». 9.05 «Қадимий Русь». Бадий фильм. 2-серия. 10.10 Мультфильм. 10.20 Янгилар. 10.30 Умринг боқий бўлсин, Ер. 16.00 Янгилар. 16.15 Қайта куриш прожектори. 16.25 Хужжатли фильмлар. 17.20 Қор йўлбарси. Телевизион бадий фильм. 18.30 Фан назария, тажриба, практика. 19.00 Концерт. 19.15 Дунё воқеалари. 19.35 Телевизион фотоконкурс. 19.40 Сонетлар гулдаси. Бадий фильм. 21.20 Қайта куриш прожектори. 21.30 «Время». 22.05 Хужжатли

фильм. 22.30 Қайта куриш: муаммолар ва ечимлар. 24.00 Дунё воқеалари.

♦ МТ-II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Фильм-концерт. 9.50 Мультфильм. 10.00 Инглиз тили. 10.30 Илмий-оммабоп фильмлар. 11.10 Инглиз тили. 11.40 Хужжатли фильмлар. 12.20 Хоровод. 12.50 Футбол. Бадий фильм. 14.25 Янгилар. 14.35 Каростояновлар. 4-серия. 18.35 Янгилар. 18.45 Дастхат. 20.00 Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин; кичкинтойлар! 20.45 Реклама. 20.50 Концерт. 21.15 Теннис сабоқлари. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Степан Разин. Бадий фильм. 00.25 Янгилар.

♦ УэТВ

16.00 Телефильм. 16.10 «Абитуриент-88». 16.40 «Ешлик» студияси кўрсатади. 18.00 Янгилар. 18.15 Йирик планда инсон. 18.55 Кинолаҳза. 19.00 Бутунитифок XIX партия конференцияси олдидан. 19.30 Хитой; сўбат ва экономика. 20.00 «Ахборот». 20.15 Комсомол прожектори. 20.30 «Ахборот». 20.50 Халқ ижодиёти. 21.20 Қайта куриш прожектори. 21.30 «Время». 22.00 Қасам. Бадий фильм. 23.15 Бугун оламда нима гап!

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА

19.40 Рақс оламида. 20.20 Хужжатли фильм. 20.40 Бутунитифок XIX партия конференцияси олдидан. 21.20 ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

Шанба,

11 июнь

♦ МТ-I

7.00 «120 минут». 9.00 Концерт. 9.10 Хужжатли фильм. 9.55 Футбол бўйича Европа чемпионатининг очилиши ҳақида репортаж. 10.10 Футбол. ГФР ва Италия. 11.50 Телехурнал. 12.20 Лев Гурич Синчик. Бадий фильм. 13.40 Дунё воқеалари. 14.00 Бутунитифок XIX партия конференцияси олдидан. 15.00 «Сени севаман ҳаёт». 15.05 Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 15.35 Хужжатли фильм. 16.25 Шерият лаҳзалари. 16.30 Мўжизасиз мўжизалар. 17.30 Хужжатли фильм. 18.00 Менга сўз беринг. 18.20 Халқроқ ҳаёт бош редакцияси таништиради. 19.20 Очик эшиклар олдидан. Бадий фильм. 1- ва 2-сериялар. 21.30 «Время». 22.00 Қайта куриш прожектори. 22.10 Шанба оқшомида. 23.35 Янгилар. 23.40 Хужжатли фильм.

♦ МТ-II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 Студия таништиради. 9.30 Зоровье. 10.15 Хайвонот оламида. 11.20 Компьютер билан мулоқот. 12.05 Инсон. Ер. Коинот. 13.10 Рус маданияти ҳақида суҳбатлар. 13.45 Мультфильмлар. 14.20 Бизнинг мерос. 14.50 Реклама. 14.55 Ҳам ҳаёт, ҳам кўз ёши, ҳам муҳаббат. Бадий фильм. 16.35 А. Н. Островский. Хужжатли фильм. 17.05 Официерлар. Бадий фильм. 18.30 Музикали портрет. 19.30 Хужжатли фильм. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Концерт. 21.30 «Время». 22.00 Қайта куриш прожектори. 22.10 Футбол. Дания — Испания. 23.50 Янгилар.

♦ УэТВ

8.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали про-

грамма. 9.30 Шанба экранга. 10.00 Пушкинхонлиқ. 10.45 Концерт. 11.55 Спортивний Ўзбекистон. 12.25 Бустон. 13.45 Замандас. 14.45 «Абитуриент-88». 15.25 Бунга ҳамма билиши ва удаллаши керак. 17.15 Усмилар учун. 18.00 Футбол. «Пахтакор» — «Гурия». 18.45 Ота-оналар университети. 19.15 Зулфия. Қалбим сени қўсайди. 20.00 «Ахборот». 20.20 КПСС Марказий Комитетининг Бутунитифок XIX партия конференциясига Тезисларини муҳокама қиламиз. 20.30 «Ахборот». 20.50 Мультфильм. 21.00 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.10 Концерт. 23.10 «Ешлик» студияси кўрсатади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА
18.10 ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

Якшанба,

12 июнь

ЕНГИЛ САНОАТ ХОДИМЛАРИ

КУНИ

♦ МТ-I

8.30 Янгилар. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.30 Мультфильм. 9.50 Спортлото тиражи. 10.00 Будиликни. 10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қилган!» 11.30 Тонгги почта. Музикали кўрсатув. 12.00 Сиз бунга қодирсиз. 12.45 «Ералаш» болалар ҳажвий киножурнали. 12.55 Шерият лаҳзалари. 13.00 Музикали киоск. 13.30 Бутунитифок XIX партия конференцияси олдидан. 14.30 Зоровье. 15.15 Киши эртас. Телеспектакль премьераси. 16.50 Мультфильмлар. 17.15 Халқроқ панорама. 18.00 Хужжатли фильм. 19.00 Менга сўз беринг. 19.15 Йиллар. Авлодлар. Қўшқлар. 20.00 Судланувчи. Бадий фильм. 21.30 «Время». 22.00 Футбол. Англия — Ирландия. 23.40 Концерт. 00.10 Янгилар.

♦ МТ-II

8.30 Зарядкага сафланнинг! 8.45 Сиз яратган бог. 9.20 «Уфк» киноальманахи. 9.50 Портретлар. 10.40 Ҳикматдор дасгаси. 11.10 Илмий-оммабоп фильм. 11.40 Иқтисодий билимлар асослари. 12.10 Ажойиб кишилар ҳаёти. 12.45 Оламга сўхат. 13.45 «Агар сиз...» 14.30 Нима! Қаред! Қачон! Телевизион. 16.30 Телевизион музикали абонемент. 17.30 Фидойи шахслар. 19.00 Қўғирчоқ театри олами. 19.50 Енгил атлетика. (20.30). Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Енгил атлетика. 21.30 «Время». 22.00 Она Мария. Бадий фильм. 23.30 Янгилар.

♦ УэТВ

8.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа. 10.00 Хужжатли эфир. 11.00 Концерт. 11.20 Театр ва замон. 12.35 Еш спортки мактаби. 13.25 Танишнинг: модалар театри. 14.05 Мактаб ўқувчилари учун. 15.05 Концерт. 15.50 Реклама. 17.45 Мактаб ўқувчилари учун. 18.30 Бугун Енгил саноат ходимлари кунин. 19.00 Москвада Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор тузилган куннинг 80 йиллигига бағишланган тантанали кеча. 20.00 «Ахборот». 20.20 Манзарали фильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.00 Шосседаги уч киши. Бадий фильм. 23.30 Сизлар билан урарушлар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА
18.00 ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда спорт ишлари сезиларли ривожланиб бормоқда. Спортнинг энг оммавий турларидан бири саломатлик гуруҳларидир. Бу борада қилинган ишлар ҳақида гапириб беришни Тошкентдаги «Юбилей» спорт саройи бош директорининг ўринбосари Омон Юсупович Султоновдан илтимос қилдик.

— Спорт саройида кишилар соғлигини яхшилаш учун қандай ишлар қилинмоқда?

— Партия ва ҳукуматимизнинг спортни кишилар оғинга синдириш ва уларнинг саломатликларини тиклашга доир ишлари ижобий натижалар бермоқда. Айниқса, КПСС Марказий Комитетининг 1985 йилги «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тadbирлари тўғрисида»ги қароридан кейин спорт иншоотларининг фаолияти анча яхшиланди. Ҳозирги пайтда кишилар саломатлигини тиклашга ёрдам бераётган спорт формаларидан бири — саломатлик гуруҳларидир. Тошкент шаҳрида ҳам саломатлик гуруҳлари тобора кўпайиб бормоқда.

Ҳозирги пайтда спорт саройида унга яқин тур бўйича 22 та саломатлик гуруҳи ишлаб турибди. Уларда 400 та яқин киши ўз саломатликларини мустоҳкамламоқдалар. Саломатлик гуруҳлари кишиларнинг вақтларига қараб тузилмоқда. Бу ерда кишилар ишдан бўш вақтларида спортнинг ритмик гимнастика, муз устида фигуралӣ учиб, хоккей, гимнастика, теннис, хоккей, велоспорт ва бошқа турлари билан шугулланимоқдалар. Ритмик гимнастика ва теннис спортининг энг оммавий тури ҳисобланади.

Ритмик гимнастика бўйича саломатлик гуруҳида турли

бешдаги ҳар хил касб эгаларидан иборат 80 киши шугулланимоқда. Улар орасида 60 ёшдан ошганлар ҳам анчагина. Ўз саломатликларини спортнинг теннис тури бўйича мустоҳкамлаётганлар эса ҳозир 100 га яқин кишини ташкил қилади.

— Саройда болалар учун ҳам саломатлик гуруҳлари борми?

— Спорт саройи маъмурияти ота-оналарнинг истак-хоҳишларини ҳисобга олиб болалар учун ҳам саломатлик гуруҳларини очдилар. Бу гуруҳларда болалар спортнинг умумий жисмоний тайёргарлиги, фигуралӣ учиб, хоккей каби турлари билан шугулланимоқдалар.

Қандай саройи тренерлари болалар учун саломатлик гуруҳларининг ажойиб турини ўйлаб топдилар. Улар болаларга бориб, умумий жисмоний тарбия курси машқларини ўтмоқдалар. Бундай гуруҳлар ҳозирда Ленин районига қарашли 398, Чилонор районидagi 386, 401, Октябрь районидagi 142, Соҳиб Раҳимов районидagi 395 болаларда ишлаб турибди. Бу метод республикаимизда биринчи бўлиб бизнинг саройимизда муваффақиятли қўлланилмоқда. Машқларни яхши ўтказишда Ольга Ситникова, Наташа Сколова, Наташа Егорова, Игорь Прудский каби тренерлар, айнқиқа, фаоллик кўрсатишмоқда.

— Саломатлик гуруҳларини такомиллаштириш, кишиларнинг спортга янада кўпроқ жалб этиш учун нима ишлар қилинмоқда?

— Саломатлик гуруҳларини да шугулланаётганларнинг сонини янада ошириш мумкин. Чунки, спорт саройининг имкониятлари бунинг учун етарли. Ҳозир бу ерда шугулланаётганлар сарой эҳтиёжининг ярмига тенг, холос. «Юбилей» спорт саройи Тошкентда спортнинг ҳамма турлари мавжуд бўлган ягона саройдир. Бу ерда кишиларга шугулланиш учун ечинини хоналари, душлари, яхши жиҳозланган заллари, қисқаси ҳамма имкониятлар мавжуд. Сарой маъмурияти корхоналар ва ташкилотларга саломатлик гуруҳининг яна қулай бир усулини таклиф қилмоқда. Ўз спорт залларига эга бўлган корхона ва ташкилотлар спорт саройи билан шартнома тузса, уларга сарой ўз тренерларини юборади, улар кишиларнинг ихтисосига қараб спортнинг исталган тури бўйича машқ ўтказадилар. Лекин, афсуски, бу жуда қулай форма ҳам корхоналар томонидан яхши қутиб олинмапти. Ахир, бу усулдан шахарнинг исталган районидagi муассаса фойдаланиши мумкин-ку!

Саломатлик гуруҳларига кишиларнинг актив қатнашмаётганлигини яна бир сабаб билан изоҳлаш мумкин, спорт саройи шахарнинг деярли қанча жойлашган. Кейин у ерда йирик ташкилот ва корхоналар ҳам, борларининг раҳбарлари ҳам спорт саройи билан яқиндан алоқада эмаслар.

Ҳ. КАРИМОВ.



Тошкентдаги «Старт» клубида аввалда ишлаб чиқариш бўлимида ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари спортнинг кўпгина турлари билан шугулланишмоқда. Клубнинг дўзо сендисида набатдаги машгулот ўтказилмоқда. М. Нуриддинов фотоси.

Энг яхши

ҳужжатли фильм

Тошкент районидagi фаолият кўрсатаётган ёш техниклар студиясининг кино тўғрисидаги фильмлар суратга олинди.

Ёш авлоднинг меҳрибон мураббийсига бағишланган ана шундай ленталардан бири «Муаллима» деб номланади. Қизиларни ва таъсирчан лавҳалардан иборат бу ҳужжатли фильм Тошкентда ўтказилган болалар ҳаваскорлик фестиваллари республика кўриги программасидан ўрин олди. Фильм энг яхши ҳужжатли ижод намуналаридан бири деб топилиб, муносиб тақдирланди.

Ранг-баранг ола

ҚИЗИЛ ЧИРОҚ ВА...
851 МИНГ ДОЛЛАР

★ ФЛОРИДА штатининг Майами — Бич шаҳри кўчаларидан бирида «Плантэкс» автомашинаси ҳайдовчиси, сабри чидамай қизил чироқда ўтиб, қондириб бўзди. Бунни кузатиб турган тартиб посбонлари ана шу машинадан бир неча минг долларини мусодара қилишлари ҳайдарига ҳам келмаган эди.

Бесааб ҳайдовчига жазалар миқдоридagi жарима тўлаш дозиметрини тушунтириб туриб, полициячилар орқа ўрида қолган ланка қизил қилишди. Унда нима борлигини сурашганда, ҳайдовчи «пуллар» деб жавоб берди. Ҳайдовчининг ошкора жавобидан қоникмаган полициячилар «Энг бундай катта ланка қанча пул кетар экан» деб очиб кўришди. Ланка бор-йўғи 300 минг доллар синар экан, бағажиники очиб кўриб у ердан ҳам минг долларлик банкнотларини топишди. Ҳар ҳолда бунча катта бойлиқни қаердан олганини етарлича тушунтириб беролмагани учун, ҳайдовчининг ҳисобга олинди. Уйини тип-тув қилишганда ана 300 мингга яқин доллар топилди. Шундай қилиб, ундан ҳаммаси бўлиб, 851 минг доллар мусодара қилинди. Қўлга олинган Альвардо Ролдан Перес АҚШга Колумбиядан бир неча ой илгари яшириб ўтган экан.

ТУЯҚУШЛАР ХИЗМАТДА

★ АВСТРАЛИЯЛИК Фред Маркис ўз фермасида туяқушчилик билан шугуллана бошлади. Ҳозир унинг отарида уларнинг сон 85 бошга етди. Сўнгги пайтларда Австралияда, бунқушларни байрам ярмаркаларида аравага қўшиб сайр қилиш айни модага кирган. Шунинг учун фермер бу экзотик қушларни кўпайтиришга аҳд қилган. Туяқушлар енгил ҳаракат қилиш, чидамлилиги билан бемалол отларнинг ўрнини босмоқда.

ФУТБОЛ

★ ФУТБОЛ бўйича Европа чемпионати финал ҳисмига тайёргарлигининг сўнгги матчида мамлакатимиз терма номандаси аъзолари поляштин футболчилар билан ўртоқлик учрашувини ўтказишди. Москвадаги «Ломоносов» стадионида бўлиб ўтган мазкур матч 2:1 ҳисобида совет футболчилари фойдасига ҳал бўлди. Тўпларни Поляш терма номандасидан Д. Зенановский (32), мамлакатимиз терма номандасидан Г. Литовченко (49) ва О. Протасов (77) киритишди.

ВЕЛОСПОРТ

★ БОЛТИКБУЙИ мамлакатлари спортчилари ўртасидаги «Дўстлик» пойғасининг олтинчи босқичи Таллин — Нарва шаҳарлари маршрути бўйлаб ўтказилди. Унда эстониялик Т. Кирсипу маррага биринчи бўлиб келди. Тошкентлик Жамолиддин Абдужабборов финиш чизигини иккинчи бўлиб босиб ўтди. Януланган босқичлар натижасига нўра кўйибшавик А. Сантос биринчи, Ж. Абдужабборов иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Еттинчи босқич мусобақалари Петродворец — Ленинград шаҳарлари оралиғидagi 122 километрлик масофадан иборат.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

★ СОЧИДА «Правда» газетаси соврини учун Бутуниттифок турнири ўтказилди. Унда пойтахтимиз вакиллари муваффақиятли иштирок этиб, яхши натижаларга эришдилар. Лангарчўп билан баландликни сарғашда халқаро классдаги спорт мастери Родриго Гатаулини 5 метр 65 сантиметр натижага эришиб, учинчи ўринни эгаллади. 400 метрга говлар оша югуришда яна бир пойтахтимиз вакили А. Харлов турнирнинг бронза медали билан тақдирланди. В. Черников эса уч хатлаб сарғашда 17 метр 24 сантиметр натижа кўрсатиб, иккинчи ўринни эгаллади. Айлар ўртасида ўтказилган мусобақаларда тошкентлик спортчилардан С. Рубан ва М. Шмониналар кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлишди.

СУЗИШ

★ КЕЧА Митрофанов номли суз спорт саройида сузиш бўйича халқаро турнир старт олди. Унда Швеция, Болгария, Венгрия, Югославия, Поляш ҳамда мамлакатимизнинг кучли спортчилари иштирок этишмоқда. Ўзбекистонлик спортчилардан С. Заболотнов, Д. Паньков, И. Тищенко мамлакатимиз терма номандаси составига киритилган.

ИЖОДИЙ КҮРИК

Курорт шаҳар Сочига асос солинганига 150 йил бўлди. Шу сана мусобаботи билан бу ерда йирик маданий тадбирлар амалга оширилди. Мамлакатимиздаги энг яхши ижодий коллективлар иштирокида ўтказилган фестиваль фикримизнинг далилидир.

Ижодий кўрикда сериуёш

республикаимиздан М. Горький номидаги Тошкент Давлат рус академик драма театри катнашди. Саҳна усталари ияросида кўрсатилган «Барчаси — юлдузлар» спектакли фестивал қатнашчилари ва томошабинлар томонидан илқ қарши олинди.

Театр актёрлари Сочи фестивали доирасида уюштирилган учрашувларда ҳам фаол қатнашдилар.

С. ОДИЛОВА.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПАДИ



«Уч оғайин ботирлар».

Р. Шораҳмедов чизган расм.

• Реклама ва эълонлар •

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

11 июнь соат 19,00 да
12 июнь соат 16,00, 19,00 да

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти

Камолиддин РАҲИМОВ

Республикада хизмат кўрсатган артист

Ўринбой НУРАЛИЕВ

Сўз устаси Жақбарали ЖҲРАЕВ

ХОНАНДАЛАР: Турсуной МАМЕДОВА, Садин ОМОНОВ ва бошқалар.

• Реклама ва эълонлар •

Олдиндан билет сотиш кассаси очилган.
Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.
Сиравкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-28-04, 44-35-84.

Тошкент область халқ депутатлари ижроия комитети уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси коллективи бошқарма бошлигининг ўринбосари М. Зупаровга онаси Кимё ЗУПАРОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.

Тошкент область халқ депутатлари ижроия комитетининг уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси коллективи ободонлаштириш бўлими бошлиги М. Тошметовга онаси Мастура ТАЙАМЕТОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.